


Ү 37(077)  
А-87

Наргиза АТАҚУЛОВА

# ЎҚУВЧИЛАРДА ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ



«ФАН»

Ў 37(077)  
A-87

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

І 11 ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА  
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

НАРГИЗА АЛИЖОНОВНА АТАҚУЛОВА

ЎҚУВЧИЛАРДА  
ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

# щи 5

Тошкент  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
"Фан" нашриёти  
2009

Масъул муҳаррир: педагогика фанлари доктори,  
профессор Р.Ф.САФАРОВА.

Тақризчилар: педагогика фанлари доктори,  
профессор Т.Х.ҲАСАНОВ.  
педагогика фанлари доктори Ш.Қ.МАРДОНОВ.

Ушбу қўлланма мактаб ўқитувчилари, олий ўқув юрти таласалари ва ўқитувчиларига мўлжалланган бўлиб, унда умумтълим мактабларида ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг назарий асослари, педагогик ва психологияк имкониятлари, шакллари, усул ва воситалари баён қилинган. Қўлланмадаги материаллар тадмқотчи изланувчилар учун ҳам зарур манба бўлиб хизмат қиласди, хулоса ва тавсиялардан дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратишда самарали фойдаланиш мумкин.

SBN 978-9943-09-961-6

РИЛК УРУЛЯ

© Узбекистан Республикаси Фанлар  
Академияси "Фан" нашриёти, 2009.

Бугунги ислоҳотлар таълим жараёнида ўқувчининг ақлий-интеллектуал имкониятларини рўёбга чиқариш мақсадини устувор қилиб қўймокда. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг академик лицей ва касб-хунар коллажларига, уларнинг қизиқишилари ва иқтидорларига таянган ҳолда, йўналтириш муҳим вазифалардан биридир. Чунки бугунги кунда академик лицей ва касб-хунар коллажларида ўзининг иқтидори ва қизиқишилари асосида эмас, тасодифан келиб қолган ўқувчилар анчагина. Шунинг учун ҳам умумий ўрта таълим мактабларида ёк ўқувчиларда барқарор илмий дунёқарашни шакллантириш ўзечимини кутаётган ижтимоий-педагогик муаммолардандир.

Ш«Дунёқараш - дунёга ва инсоннинг ундаги ўрнига, кишиларнинг ўз атрофидаги воқеликка ва ўз-ўзига муносабатига бўлган умумий қарашлар тизими, шунингдек, бу қарашларга асосланган одамларнинг эътиқодлари, идеаллари, билиш ва фаолият тамоиллари»<sup>1</sup>. Илмий дунёқараш эса дунёга ва инсоннинг ундаги ўрнига, кишиларнинг ўз атрофидаги воқеликка ва ўз-ўзига муносабатига бўлган илмий қарашлар тизими ҳамда бундай илмий нуктаи назарга нисбатан инсоннинг эътиқоди, уни билиш ва ўзлаштиришга нисбатан интилишидир. Бундай дунёқарашни шакллантириш натижасида ўқувчиларнинг ақлий-интеллектуал тараққиёти таъминланади.^/

Бугунги кунда ахборотлар қўлланинг ниҳоятда кенгайганинги туфайли ўқувчиларнинг уларни ўзлаштиришида қийинчилклар вужудга келмоқда. Улар ҳар доим ҳам жадал ривожпанаётган илм-фан ютуқларини ўзлаштиришга ушурм.тптилар. Бунинг учун ўқувчиларнинг мунтазам илпанишлари, илмий янгиликлардан хабардор бўлишлари тақозо қиминмоқда. Бу эса ўз навбатида муайян касб-хунар ва илмий

1. виоокнсто Миллий энциклопедияси. З-жилд. "Ўзбекистон Миллий  
ИЧИ.....динси" Давлат миллий нашриёти, 2002.382-бет.

изланишлар йўналишини танлаш босқичида бўлган ўқувчиларда илмий дунёқараши шакллантириш зарурлигини кўрсатмокда Бугунги кунда ривожланаётган мустақил Узбекистан жамияти юксак касбий маҳорат ва интеллектуал, илмий салоҳиятга эга бўлган ёшларга эҳтиёж сезмоқда.

Микросоциумга қадам қўяётган ҳар бир ёш ижтимоий муносабатлар, илмий тараққиётга зийраклик билан қарай олиши, янгиликларни тез идрок эта олиши лозим. Аксарият ҳолатларда умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари ўз фаолиятларининг илмий асослари ва йўналишини тушуниб етмайдилар. Ўз мажбуриятларини бажаришга совуқонлик билан қарайдилар Уларда маънавий-маданий ҳис-түйғулар, илмий дунёқараши етарлича шаклланмаганлиги аён бўлмоқда. Чунки уларнинг илмий дунёқараши муҳим қарорлар қабул қилишларига асос бўлади ва бу дунёқарааш ўқувчиларга эркин танлов имкониятини беради.

Илмий дунёқарааш ўқувчининг нуқтаи назарини барқарорлаштирувчи асосий воситадир. Ҳаётда шахс сифатида мавжуд бўлиш ва фаолият кўрсатиш, дунёнинг истиқболдаги тараққиётини англаш ва дунё тамаддунини тушуниб етиш илмий дунёқараашнинг маҳсулидир. Илмий дунёқарааш туфайли ўқувчи дунё манзараси, унинг тараққиёт жараёни, ривожланиш тенденциялари, оламни яхлит идрок этишга оид қарашлар тизимини англаб етади. Шу билан бир қаторда илмий дунёқарааш моддий борлиқ ва шахснинг ушбу борлиқ ичida мавжудлиги ҳақидаги яхлит тасаввуридир. Моддий борлиқнинг нечоғли чукур ва батафсил акс этиши шахснинг илмий дунёқараши кўламига боғлиқ. У шахснинг моддий борлиқни идрок этиши, дунёқараши, нуқтаи назари ва объектив оламга бўлган муносабатини ифодалайди. У шахс чиқарадиган ҳукмнинг характеристини ифодалайди, унинг хулқ-атвор ва фаолият йўналишини белгилайди. Шахснинг фикр, ҳиссиётлари илмий дунёқараши ифодаси сифатида намоён бўладил/

Ўқувчи шахсида илмий дунёқараашнинг шаклланиши баробарида унинг нуқтаи назари, олам, ҳаёт, тадқиқотчилик жараёнида ижодий фаолият ҳақидаги тасаввурлари барқарорлашади. Ўқувчиларда илмий дунёқараашни шакллантириш ўзига хос мураккаб ледагогик жараён бўлиб, унда ягона илмий онг, фикрлаш маданияти, ҳиссиётлар ва ҳиссии муносабатлар, мақсадга интилиш ва эркин ҳаракат қилиш кўниkmаси қарор топтирилади.

Умумий ўрта таълим босқичидан ўрта маҳсус касб-хунар I.и,ними босқичига ўтганда ўқувчилар тасаввуридаги дунёнинг • I - J и I манзарасида бўлинни вужудга келади. Улар янги Пилимларни ўзлаштириши уч/н янги илмий дунёқараашга эга г.упишлари талаб қилинади,/Уқувчиларда илмий дунёқараашни шакллантириш жараёнининг асосий мақсади уларнинг пипимларни онги, тушунган ҳолда ўзлаштиришлари ва татбиқ эгиш кўниkmаларини эгаллашларига кўмаклашишдан иборатdir. Чумки ўқувчининг илмий дунёқараши унда тадқиқотчилик куниkmаларининг энг зарур элементларини шакллантириш орқали иужудгакелтирилади. J

Қувчиларда ёшлик йилларида ўқиши, билим эгаллашга нисбатан янгича майл вужудга келади. Бу уларнинг ўз-ўзини |.1Н1миллаштириши ва ўрганишга бўлган иштиёқи, интилишлари мигижасида ҳосил бўлади. Ўқувчининг ақлий меҳнат фаолияти .1И|)им тажрибалар билан чегараланмайди, балки баъзи • мп.пларда тадқиқотчилик фаолияти билан шуғулланиш истаги 1шайиши мумкин. Таълим жараёнида бунга алоҳида эътибор қратиш лозим.

Умумий ўрта ҳамда ўрта маҳсус касб-хунар таълими оосқичларида ўқувчиларда шакллантирилган тадқиқотчилик куниkmалари ижтимоий-педагогик жиҳатдан таълим босқичлари орасида ўқувчиларда илмий дунёқараашни шакллантириш |и-.иидан узвийликни таъминлаш имконини беради. Илмий

"-қарааш ўқувчиларнинг билимларни мустақил улиаштиришларини таъминлайди. Худди шу билимлар ўқувчилар ...пмнидан тадқиқотчилик фаолияти натижасида қайта ишлэнади ни ижодий ўзлаштирилади. Ўқувчидаги вужудга келган илмий нуқтаи нмзарнинг бэрқарорлиги унда ҳосил бўлган илмий дунёқараашнинг гид| Рижийлиги ва изчиллигини таъминлайди. (д4< (/ЦЛ&Ч

/Узбекистан Республикасида вужудга кевлан ижтимоий-И1 ми одий тараққиёт ва кенг кўламли илмий ахборотлар майдони 1 иларда илмий дунёқараашни шакллантиришнинг ягона, ўзига ....мгадагогик тизимини ишлаб чиқиши заруриятини куймокда.]/

I шларда илмий дунёқараашни шакллантириш муаммоси, |.1рч.|н узок тарихга эга бўлсада, педагогик адабиётларда бу м н .11.11.1 оид фикрлар етарлича баён қилинмэган. Айниқса, ^қуичиларда илмий дунёқараашни шакллантиришнинг ђ/с ...ни (млари, омиллари, шарт-шароитлари, янгича ижтимоий-ицтисодий вазият билан боғлиқ ҳолда асослаб берилмаган. Бу

муаммонинг айрим жиҳатлари У.Нишоналиев, Р.Сафарова, Р.Ахлидинов, В.И.Андреев, А.В.Славин, Б.И.Кедров, И.Э.Кашекова, Е.А.Крюкова, А.Р.Лопатин, Ю.Н.Орлов Н.Ф.Радионова, Л.М.Фридман, И.Ю.Кулагина, С.С.Бакуловская, О.С.Газман, В.А.Совалев, В.Р.Букин, А.Ф.Малишевский, В.Ф.Сбитов, В.С.Данюшенков, Ф.В.Кадол, Т.А.Ильина, Л.Ю.Шишина, С.Я.Сивирский, И.С.Кон, А.В.Мудрик, Р.Берне, Л.Д.Михеева, Е.Э.Смирнова, П.И.Смирнов, А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубинштейн, Н.Б.Боритко, В.С.Ильин, В.В.Краевский, Н.К.Сергеев, Б.С.Алишев, Ф.Н.Бородкин, Э.Берн, Е.Е.Вендоров, Р.Дарендорф кабилар ўқувчи ҳамда талабаларда тадқиқотчилик ва билиш фаолиятини шакллантириш; ёшларда дунёқарашининг ўзига хос хусусиятларини шакллантириш, тадқиқотчилик фаолияти дунёқарашининг ўзига хос кўриниши сифатида; нуктаи назар шахснинг яхлит тавсифи; ёшларда шахслик ва индивидуаллик қарор топишининг ўзига хос хусусиятлари каби йўналишларда илмий тадқиқот ишларини амалга оширганлар.

## I БЎЛИМ.

### ЎҚУВЧИЛАРДА ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Ҳар қандай фаолият шахснинг ўз олдига қўйган мақсади билан боғлиқ ҳолда вужудга келади ва унинг ҳаракатлари ушбу мақсад доирасида амалга оширилади, мазкур мақсадга эришиш натижаси сифатида намоён бўлади. Моддий борлиқдаги етишмовчиликларнинг англаниши натижасида шахе ўз олдига муайян мақсад қўяди. Шу маънода биз ўқувчиларда илмий дунёқараши шакллантиришга асос бўладиган нуқтаи назарларни назарий жиҳатдан таҳлил этишга ҳаракат қиласиз. Шунга кўра, биз ўқувчиларда илмий дунёқараши шакллантиришга хизмат қиласиган дидактик воситалар ва шарт-шароитларни аниклашга интилдик.

Инсоннинг ўзига хослиги унинг ижтимоий фаолиятида намоён бўлади. Чунки фақат инсонгина фикрлаш ва онгли фаолият кўрсатиш лаёкатига эга. Агар инсон фикрлашдан тўхтаса, унда муайян мақсад ва ўз фаолиятини назорат қилиш имконияти йўқолади. У ўз фаолиятини онги ва ихтиёрига кўра амалга оширади. Ҳар қандай инсон ўз фаолиятининг субъекти хисобланади. Чунки у ўз онги, эрки асосида тўлақонли фаолиятни (Зажаришга қодир бўлади. Ҳар бир инсоннинг ўзлиги унинг шахеий нуктаи назарида акс этади.

Нуктаи назар - инсоннинг хатти-ҳаракатлари ва хулқ-тэорида акс этган қарашлари, у амал қиласиган тамойиллардир. Чунончи, "Нуктаи назар (позиция) - тегишли инсоний кечинма ва хатти-ҳаракатлар тарзида намоён бўлувчи атроф-муҳит билан боғлиқ ходисалар ва уларнинг муайян жиҳатларига нисбатан муносабатлар тизими"<sup>2</sup> дир.

Инсон ўз нуктаи назари сифатида муайян фикрни баён қиласиз, билим ва тажрибаларининг ошиши натижасида ўз нуктаи

<sup>1</sup> Педагогик атамалар луғати. Тошкент: Фан, 2008. 86-бет.

назарини ўзгартариши, такомиллаштириши мүмкін. Шу маңнода нұктай назар мунтазам ривожланиш харakterига ега. И.С.Коннинг (37.С. 115) таъбирича, нұктай назар жараён иштирокчиларидан бирининг қатый фикридір.

Нұктай назарнинг қарор топиши баробарида ўқувчиларнинг хулқ-атворлари ва фаолиятлари ойдиналашади. Нұктай назар ўқувчининг муайян масалага оид етакчи, үйғунлашган асосий фикридір. Бунда ўқувчи нафақат билиш жараёни, балки амалий фаолият субъекти сифатида ҳам намоён бўлади. Чунки ўқувчиларнинг нұктай назарлари уларнинг мавжуд вокеликка нисбатан муносабатларини ифодалайди.

Е.В.Коротаева (42. С. 7) нинг таъкидлашича, ўқувчилар ҳамда ўқитувчиларнинг субъектив муносабатларини ўзаро тенг ҳодисалар сифатида баҳолаш мүмкін эмас. Ўқитувчи - ўқитиш жараёнининг биринчи субъекти ва бошқарувчисидир. Ўқувчи ҳам ўқув-билив жараёнининг субъекти сифатида муайян ўқув фаолиятига киришади. Ўқитиш ва ўқиши ўзаро боғлиқ ҳодисалардир, шунинг учун ҳам ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг субъект-субъект сифатидаги муносабатлари мазкур жараённинг асосини ташкил қиласы. Бу ўринда ўқувчи билим олишга интилса, ўқитувчи уларга мазкур билимларни тақдим этади ва уларнинг билиш жараёнларини бошқаради. Инсонни ўраб турган моддий борлик кўпхадли, шунинг учун ҳам шахснинг унга бўлган муносабати кўп қирралидир. А.В.Петровский (60.С 512)нинг таъбирича, инсоннинг ижтимоий нұктай назари, унинг хулқ-атвор йўналишини аниқловчи муносабат сифатида баҳоланади. О.С.Газман (23. С. 19) шахснинг ташкилотчилик қобилиятыни унинг маданий дунёқараши, фуқаролиги, ўзига хос ижодкорлиги, ишбилармонлигига кўради.

Бугунги кунга келиб ҳар бир шахс, шу жуомладан ўқувчилар ҳам ўз нұктай назарларини бойитиш учун ўзбек халқининг миллий-маънавий қадриятларига мурожаат қилмоқдалар.

Психологияда шахснинг нұктай назари унинг фаоллиги, қатыяты сифатида баҳоланади. Руҳшунослар шахс нұктай назарининг ўзига хослигига алоҳида урғу берадилар. Н.Е.Щуркова (75. С. 15)нинг таъбирича, 5-9-синф ўқувчиларининг муҳим хусусияларидан бири, мақсадга эришиш сари интилишларидир. Ўқувчиларнинг ҳаёттій нұктай назарларини таркиб топтиришлари уларнинг ҳаётга бўлган умумий муносабатларига боғлиқ ҳолда

IM uira ошади. Уларнинг нұктай назарлари ижтимоий ҳаётга қай длражада боғлиқликларини ҳам ифодалайди.

Ҳар бир ўқувчининг нұктай назариде унинг ҳаётга бўлган қатый муносабати ифодапанади. Ўқувчи ўзининг ҳаёттій нұктай и.иарларини мустақил тарзда эгаллаган билимлари ва тўплаган |.|>крибалари заминида таркиб топтиради. Ҳар бир ўқувчининг иуқгай назари қандай таркиб топғанлигини, унинг мазмун-моҳияти нққол намоён қиласы. Ўқувчилар ўз нұктай назарларини ўзларини **Лраб** турган борлик асосида шакллантирадилар. Айнан бир ичдаги кишилар мавжуд бўлмаганидек, ўзаро бир хилда тенг келадиган нұктай назар ҳам мавжуд эмас. Буни муайян бир масалага оид фикрларнинг турли-туманлигидан ҳам билиш мүмкін. Ҳар бир нұктай назар ўзига хос индивидуал характерга эга.

•j Таълим-тарбияни ижтимоий-педагогик ҳодиса сифатида j урганган мутахассислар Р.Г.Гурова (24. С. 20), Р.Сафарова, М Қуронов, Қурбонниёзова, Р.Медетова, Г.Акрамовалар ўқув-1арбия жараёнининг муҳим вазифаси сифатида ўқувчиларда фаол фуқаролик нұктай назарини шакллантириш зарурлигини | .1ъқидлаб ўтганлар. Фаол фуқаролик нұктай назарига эга бўлган ўқувчигина ўзининг ижтимоий бурчига нисбатан онгли муносабатда бўла олади. Бундай ўқувчилар учун сўз ва иш I ирлиги кундалик ҳаёттій фаолият мезони бўла олади.

Ўқув-тарбия жараёнининг муҳим вазифаларидан яна бири, укувчиларда фуқаролик нұктай назарларини шакллантиришдан шюратдир. Ўқувчилар ўз олдиларига қўйган мақсадларига

•ришишлари учун, уларнинг фаолиятларини мунтазам бойитиш ва ранг-баранг бўлишини таъминлаш лозим. Ўқувчилар ўқув-тарбия жараёнида ўзаро ҳамкорлик, ўзлари ва ўзгалар меҳнатини хурмат қилиш, ўқитувчилари билан ўзаро ҳамкорлиқдан манфаатдор шшга ўрганишлари талаб этилади. Ўқувчиларнинг моддий (юрлиқка бўлган ҳар қандай муносабатлари онгли ва манфаатдорлик характерига эга бўлиши керак. Ўқувчилар нұктай назарларининг муҳим жиҳатларидан бири -унинг онглилигидир.

Ўқувчиларга йўналтирилган ўқув-билив жараёни уларнинг нұктай назарларини тубдан ўзгартиради. Улар сўзсиз бўйсунувчи, ИЖрочи шахсдан фаол ижодкор субъектга айланадилар.

• кумчилар ижодий топширикларни бажариш жараёнида унмрининг ақлий фаолиятлари ҳақида фикр юритадилар. Улар yи, жараёни ва ҳаёттій фаолиятлари давомида тўплаган

тажрибаларини ишга сола бошлайдилар. Ўқув топшириқларини бажариш жараёнида ўқувчилар ўқув-билув жараёнининг субъекти сифатида намоён бўла бошлайдилар. Л.А.Григорьев (29. С. 24) нинг таъбирича, ўқувчининг дунёқарашига хос бўлган нуқтаи назарлари унинг яхлит дунёқарашини ифодаловчи муҳим ҳолатидир. Ўқувчининг дунёқараши таълим жараёнида у эгаллзган қадриятлар, ахлоқий меъёрлар сифатида намоён бўлади. Ўқувчининг онгида унинг ҳаёт тарзи тўлиқ акс этиши лозим. Шу тариқа у ҳаётнинг мавжуд жиҳатлари, қадриятларнинг мазмун-моҳиятини англаб етади. Ўқувчилар ижтимоий ҳаётда қабул қилинган асосий меъёрларни ўзлаштиришлари учун, улар кишилик ҳаёти ва бу ҳаётни тартибга соладиган фаолият турларини ҳам яхши билишлари талаб этилади. Шу тариқа ўқувчиларнинг нуқтаи назарлари уларнинг хулқ-атвор йўналишларини ҳам ифодалайди.

Ҳар қандай нуқтаи назар муайян фаолиятга йўналтирилган бўлиб, барқарорлик характеристига эга. Ўқувчиларда қатъий нуқтаи назарнинг таркиб топиши, уларнинг соғлом турмуш тарзини танлашларига имкон беради. Ўқувчилар ўқитувчилар билан ҳамкорликпари ва мулоқотлари жараёнида ўзларининг нуқтаи назарларини намоён қиласдилэр. Ўқувчиларнинг нуқтаи назарлари уларнинг шаклланишларида муҳим аҳамият касб этувчи муносабатпар меъёри сифатида уларни барқарор ҳаёт кечириши йўналтиради. Бунинг учун улар энг зарур билимларни ўзлаштиришга интиладилар. Ўқувчиларда янги нуқтаи назарл.ч тасодифан вужудга келмайди. Улар муайян билимлар, ҳаётии гажрибаларни ўзлаштиришлари натижасида ҳосил бўладш.ш ўқувчилэрнинг эрkin тарзда қабул қилган қарорларидир Шу тариқа ўқузчиларда ҳосил бўладиган нуқтаи назарларниш барқарорлиги таъминланади.

Ўқув жараёнини инсонпарварлаштириш (Р.Сафарсли Н.Жумаева, Б.Маъмурев, Е.В.Бондаревская, Н.М.Борь.... А.И.Григорьев, Н.К.Сергеев, В.В.Сериков) натижасида ўқувчиларда инсонпарварона нуқтаи назар вужудга келади. Ўқувчилар турли соҳага оид билимлар ва ахлоқий меъёрларни ўзлаштиришлари натижасида дунёни янгича идрок бошлайдилар, атрофдагиларга инсонпарварлик ва негбимни асосида муносабатда бўладилар. Улар ҳар доим ўзларимни нуқтаи назарларига таянган ҳолда ўз фаолия; баҳолайдилар ва ривожланиш йўналишларини белгилайдип і|

Инсонпарварлик тамойилига асосланган ҳолда уларнинг нуқтаи мйэарларида инсон ва оламга негбин муносабат алоҳида ўрин ягаллади. Улар атроф-муҳит, инсонлар, ижтимоий муносабатлар, •> I шогик ҳодисаларга алоҳида муносабатда бўладилар. Ўқувчи ўз фаолиятини баҳолаш орқали ўз имкониятларини тан олади ва у 1иминг индивидуал ривожланиш йўналишини белгилайди. цувчилар ҳар доим ўзларининг фаолиятлари кўламини ц|. |тиришга интиладилар. Буларнинг барчаси шахсга Йуналтирилган ўқув-билув жараёнини такомиллаштириш, уни i'mi онпарварлик тамойиллари асосида бойитиш заруриятини I унди Ўқувчилар бу жараёnda ўзларининг нуқтаи назарлари цоирасида ўзлаштирадиган билимларининг муҳимлигини англаб шар, улар устида фикрлай бошлайдилар. Ўқувчиларнинг I и |шашлари ва ўз фаолиятларини баҳолашлари .....мпарварлик тамойиллари асосида амалга ошишига уларни UR1ЯТИШ ўқитувчининг муҳим вазифаларидан биридир. Барқарор қтаи назарга эга бўлган ҳар бир ўқувчи ўз фаолиятини баҳолаш тмасини эгаллаган бўлади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, нуқтаи назар шахснинг барқарор, онгли ҳамда ўзига хос 1и муносабатлари йиғиндинсиdir. Унинг ёрдамида ўқувчилар I | 1H(лиятларини баҳолайдилар ва унинг йўналишларини цушидилар.

Инсон ижтимоийлашиши ва ижтимоий ҳаётда фаол ҳаракат цимиши учун ўз нуқтаи назарига эга бўлиши лозим. Ўқувчилар ўз •.i. н, қлрашлари, атроф-оламга муносабатлари, ўзлари, ....ярнинг хусусиятлари, ижтимоий жараёнларнинг моҳиятини ....шшлари, ўз олдларига аниқ мақсад ва вазифалар қўйишлари, ,> i'riu эришиш йўлида ҳаракат қилишлари керак. Ўқувчиларнинг ' |.1и назарлари уларнинг дунёқараашларига бевосита |иқдир\| Дунёқарааш тамойиллар, нуқтаи назарлар, қатъият, моддий •>1мту\,1 бўлган муносабатни аниқлаш усуулларининг (...и (.амлашган шаклидир. Дунёқарааш ёрдамида шахснинг пи ва жамиятга нисбатан қараашлари, нуқтаи назарлари I шанади. Ўқувчи дунёқараши ёрдамида оламни идрок этади /<ининг жамиятдаги ўрнини англайди. Шу билан бир қаторда, |И ?раб турган моддий борлик ва ўз-ўзи ҳақидаги муносабати |дп||.1нади. Шунингдек, ўқувчи дунёқарашида жамиятаъзолари »1иии нуқтаи назарлари, турмуш кечириш қоидалари,

қатъиятлари, идеаллари, мақсадлари, билим тамойиллари ва фаолияти, қадриятли йўналишлари билан боғлиқлиги ўз ифодасини топади. Шахснинг дунёқарашида унинг обьектив борлиққа нисбатан маънавий амалий муносабат усули намоён бўлади. Дунёқараш ёрдамида ўқувчилар моддий борлиқнинг мазмун-моҳияти ва уни ўзлаштириш йўлларини ҳам англайдилар. Дунёқарашда инсон ҳаётининг борлиқни аниқлашга хизмат қиласидиган тамойиллари акс этади.

Дунёқараш нуқтаи назарга нисбатан кенгроқ ва умумийроқ тушунчадир. У инсоннинг барча етакчи муносабатларини ўзида ифодалайди. Инсоннинг ҳар қандай нуқтаи назари дунёқарашининг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Шу тариқа ўқувчиларнинг дунёқарашлари уларнинг нуқтаи назарлари ёрдамида мулоқотга киришиш имконини беради. Демак, шахснинг дунёқарashi умумлашганлик характеристига эга.

В.А.Совалев (70. С. 36) нинг таъкидлашича, дунёқараш инсон ҳаётининг дастурлаштирилган, чукур ўйланган режаси бўлиб, у шахснинг ҳаёт тарзини ҳам ифодалайди. Дунёқарашнинг таркиб топиши эса инсон ҳаётининг мазмунига боғлиқ. Шахснинг муайян мазмун-моҳиятга эга бўлган ўқув ҳамда амалий фаолияти натижасида дунёқарashi таркиб топадиј Демак, ўқув фаолияти натижасида ўқувчиларда илмий дунёқараш шаклланади. Ўқувчилар ўз ихтиёрлари ва имкониятлари доирасида мужассамлашган билимларни ўзлаштирадилар ва улар устида фикрлай бошлайдилар. Ҳаёт маъносини англашга бўлган эҳтиёж туфайли ўқувчилар ўз ҳаётларини англашга интиладилар ва уни ҳодисалар жараёни эмас, балки мақсадли жараён сифатида ташкил этишга ҳаракат қиласидилар.\/

Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш инсонпарварлик тамойиллари асосида ташкил этиладиган шахсга йўналтирилган ўқув-билув жараёнининг муҳим вазифаларидан биридир. Ўқувчиларга турли соҳадаги билимлар ва миллий-маънавий қадриятлар тақдим этилади ҳамда улар ёрдамида ўқитувчилар ўқувчиларни фикрлашга ундидалар. Мазкур билимларни ўқувчиларнинг ўзлари излаб топишпари, уларнинг мазмун-моҳиятини англашлари, ўз фаолиятига сингдиришлари, уларни бир-биридан ажратади олишлари лозим. Шундагина нуқтаи назарлар каби дунёқараш ҳам ойдинлашади ва ҳар бир ўқувчининг ўзига хос бўлган илмий дунёқарashi таркиб топади

**6 Ш)б. ,**

Ҳар қандай илмий дунёқараш билимларнинг мазмун-моҳиятини |цглаш натижасида вужудга келади.

I Ўқувчиларнинг дунёқарашлари қуидаги учта таркибий кисмдан иборат бўлади: интеллектуал, ҳиссий-ихтиёрий ҳамда амалий ҳаракатли фаолият тажрибаси. [/

Шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш учун уларнинг илтеллектуад-||молиятлари ва ўзларигагина хос бўлган шахсий сифатларини ||,||жид топтириш зарурлигини кўрсатмбод&лгўқувчиларда муайян ипмий, эстетик нуқтаи-назарлар, маънавий тамойиллар тизими, мсьёрлар ва қатъиятлар, ҳаётий қадриятлар, мақсадлар за ipra эришиш йўллари, ҳаётий ҳаракатларни амалга ошириш иунлари ўргатилиши лозим. Илмий дунёқараш ўқувчининг моддий оламга нисбатан обьектив муносабатда бўлишини таъминлади. Vnar кишиларнинг кичик гурухлари ва жамият аъзолари орасидаги ,1M]<;орлик ва алоқадорлик шаклларини ўзлаштирадилар.у^^

//Ўқувчи ўзининг илмий дунёқарashi ёрдамида бутун олам, тбиат ва жамиятни кўра олади ва идрок этади. Ўқувчиларнинг инсон ва жамият, ундаги ижтимоий муносабатлар, жамият аъзолари амал қиласидиган қадриятларни тушуниши, мазкур I 1миятда ўз ўрнини англаши илмий дунёқарашининг кенглигига Оғлиқдир.^Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантирища Ільлим жараёни билан бир қаторда, уларни ўраб турган муҳит ва пила муҳим ўрин эгаллади. Алоҳида илмий нуқтаи назарларнинг ифодаси сифатида нафақат биргина ўқувчи, балки ўқувчилар гурухи намоён бўлиши мумкин. Шу билан бир қаторда, алоҳида 11Ир ўқувчининг дунёқарashi бошқалариникидан кескин фарқ қилиши мумкин. Бироқ, уларнинг барчасида умумий жиҳатлар м.шжуд бўлади. Шу тариқа дунёқарашга асосланган нуқтаи/назарнинг муҳим жиҳатларидан яна бири- унинг обьективлигидирУ

Илмий дунёқарашнинг обьективлиги шундаки, бунда ўқувчи /1 манфаатлари ва қизиқишларинигина ўйламайди. У қўпчилик м.шфаати йўлида ҳаракат қиласиди. Шунга кўра ўқувчи ўз олдига 1НИҚ мақсадлар кўяди ва шу мақсадга эришиш йўлида муайян •(.пракатларни амалга оширади.

Ўқувчининг дунёқарashi алоҳида-алоҳида блокларнинг уи|унлэшувидан таркиб топади. Ўқувчиларда илмий дунёқарашни •п.|кллантириш учун ўқув-билув жараёнида муайян назарий I чишмлар билан бир қаторда, у яшаб турган жамият ва табиатнинг м т жуд ҳолати, ундаги муаммолар ва ечимлар, ўқувчиларнинг

шахе сифатида мазкур жамиятда тутган ўринлари ҳақида ҳам изчил маълумотлар бериш талаб этилади. Ўқувчи шахеига йўналтирилган ўқув-билив жараёнини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш ва уни самарали бошқариш натижасида, уларда изчил тарзда таркиб топган нуктаи назарлар вужудга келади. Ўқувчиларни босқичма-босқич, мақсадли тарзда назарий билимларни эгаллашга йўналтириш натижасида, уларда табиат ва жамият билан онгли ҳамкорлик қилиш кўниммалари вужудга келади.

Моддий оламга нисбатан яхлит тарзда таркиб топган нуктаи назарлар тизими, бу тизимда инсоннинг тутган ўрни ва моҳияти унинг дунёқарашини ифодалайди. У илм-фан ютуқларини эгаллаш, ижтимоий онгнинг турли шаклларини ўзлаштириш, жамият ҳаётида фаол иштирок этиш, халқнинг ижтимоий тажрибасини эгаллаш воситасида таркиб топади. Ўқувчи ўзининг хулқ-авторини аниқлаши учун жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг ҳаракатини билиши, уларнинг оқибатлари ва йўналишларини кўра олиши, ўзининг дунёқарашига асосланган ҳолда мазкур жараёнда тутадиган ўрнини билиши муҳимdir.

Ўқувчиларнинг илмий дунёқарашлари изчиллик характеристига эга бўлиши лозим. В.И.Дрыгин (32. С. 27) нинг таъкидлашича, ўқувчиларнинг дунёқараши уларга изчил тарзда тақдим этилган билимлар ёрдамида шакллантирилади<sup>\*\*</sup> Ўқувчиларнинг фаолиятлари ва ҳаракатларидаги қатъийлик дунёқарашнинг маҳсулидир.

Ўқувчиларда шакллантириладиган илмий дунёқараш худудийлик, яхлитлик, субъективлик хусусиятларига эгалигини ўз вактида Л.А.Григорьева (29. С. 24) ҳам таъкидлаб ўтган эди. Ўқувчиларнинг фикрлари, нуктаи назарлари ҳамда қатъиятларни уларнинг ўзига хосликларини ифодаловчи белгилардир. Улар ўқувчиларнинг фаол нуктаи назарлари ёрдамида таркиб топтирилади. Бу улар дунёқарашнинг шаклланишига алоҳида таъсир кўрсатади. Дунёқарашнинг асосини эса фикрлар, қарашлар, ўй-хаёллар ташкил этиди. Нуктаи назар эса қатъийликка асослангандир. Ўқувчилар ҳар доим ўз нуктаи назарларининг қатъийлиги ва мунтазамлигини амалий тажрибаларида синаб кўришлари лозим. Ўқувчилар нуктаи назарларининг чуқурлиги ёки ўзгарувчанлиги уларнинг ўзларига хосликлари билан боғлиқдир. Шу билан бир қаторда, атрофдагилар, ота-оналар, ўқитувчилар ўқувчидағи қатъиятни

• , шиб-қувватлашлари, ўқувчилар эса ўз навбатида ўз • рмчиликларини тузатиш майлларига эга бўлишлари лозим.

И.С.Кон ўқувчиларнинг дунёқарашларини уларда аниқ нуктаи мваарларнинг мавжудлиги билан боғлаган ҳолда талқин этади. чиқса ўқувчи ўз касбий фаолияти соҳасини аниқлаш вақтида бу Н ђрса яқол кўринади. Ундаги қатъий нуктаи назарлар маънавий тиқатдан ўз-ўзини англаш кўникмасининг шаклланишига I ;м, 1клашади. Ўқувчилар ўз нуктаи назарларини идинлаштиришларида дунёқараш аниқлаштирувчи ҳамда ||/.1лтирувчи кучга эга. Инсоннинг объектив борлиққа нисбатан r 1|||<сабатлари бу жараёнда мақсадлар ва вазифаларнинг \|ўйилиши натижасида уларнинг дунёқарашида муайян сифат . п.фишлари вужудга келади. Ўқувчилар ўз дунёқарашини Оолгиловчи нуктаи назарларни англашлари натижасида ривожланиш имкониятига эга бўладилар. Бу жараёнда ,луичиларнинг шахеий ҳамда ижтимоий қизиқиши, ||внфаатлари уйғун тарзда намоён бўлади ва уларда муайян фаолиятга нисбатан қизиқиши вужудга келади. Улар амалий Фаолиятлари моҳиятини англай бошлайдилар.

Ўқувчиларнинг илмий дунёқарашлари уйғунлашганлик кирактерига эга. Шу тариқа ўқувчиларнинг илмий дунёқарашлари 1.1минида уларнинг нуктаи назарлари, танловлари, ўзига чинпиллари, етакчи имкониятлари, онглилик даражалари, 'м-оловчи муносабатлари, объектив қонуниятларни тушуниш i-v'1.1млари, барқарор майллари, мақсадлари, қизиқиши ҳамда циссий, интеллектуал қувватлари ифодаланган бўлади.

Субъект-субъект муносабатлари доирасида ўқувчи илмий дут'карашининг ўзига хос жиҳатлари тўлақонли тарзда ишкллантирилади. Улар сирасига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- аниқ тарзда мавжуд бўлган ҳолатлар;
- фаолият жараёнида ўқувчиларнинг ўзларига боғлиқ бўлган щолатлар;
- ўқувчиларнинг имкониятларини ҳаракатга келтирувчи Қсшатлар кабилар.

Бундай таъсирлар натижасида ўқувчилар фаол ҳаракат қила Гм инпайдилар. Ўқувчиларнинг илмий дунёқарашлари ўқув Жираёнининг шакллари ва мазмуни, баъзан эса ўқитувчининг юаолият маромига ҳам таъсир кўрсатади. Ўқув жараёнда шахсга п,н ттирилган субъект-субъект муносабатлари доирасини Квнгайтиради.

Маълумки, инсонлар ўзларининг иккى турдаги муносабатлари билан бир-бирларидан фарқланадилар. Мазкур муносабатларни асосан уларнинг ҳаётий тажрибалари белгипайди. Буни ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар мисолида яққол кўриш мумкин. Улар ҳар доим бир-бирларининг ҳаётий тажрибаларини бойитиб, тўлдириб борадилар. Шу билан бир қаторда, ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналарнинг бажарадиган вазифалари ҳам турли-тумандир.

Инсоннинг дунёқараши унинг бажарадиган вазифалари билан боғлиқ ҳолда таркиб топади ва намоён бўлади. Масалан, дунёқарашининг барқарорлиги, инсонпарварлик характеристига эгалиги, муайян мақсадга йўналтирилганлиги, бошқарилувчанилиги кабилар.

^<7L\***eZm**

Ўқувчи дунёқарашининг<sup>^б</sup>рреря<sup>Я</sup>ги унинг муайян ғояларни татбиқ этиш, ижтимоий қимматли фаолият ва ижтимоий ҳаётга тайёрлигини англатади. Бундай тайёрлик улардаги назарий-эмпирик билимларнинг муайян даражаси орқали намоён бўлади. Илмий дунёқараш ўқувчиларнинг кўркув туғдирадиган вазиятлардан ҳимояланишларини таъминлади. Шахснинг муайян масалага оид нуқтаи назари унинг дунёқараши барқарор бўлишига кўмаклашади. Ўқувчиларнинг барқарор нуқтаи назарлари ва дунёқарашлари билан боғлиқ ҳолда таркиб топган хулқ-атворлари ҳам барқарор бўлади. Бу уларнинг ўзларига топширилган вазифаларни ситеқидилдан бажаришлари, уларда мавжуд бўлган майлларнинг муҳим аҳамият касб этиши, ўз майлларини амалга ошириш имконини берадиган ҳаракатларнинг қатъийлиги, қийинчиликларни ҳис этишлари, салбий кечинмаларга қайтарадиган жавоблари, қийинчиликларни бартараф этиш имкониятларини излашлари, салбий кечинмаларининг пасайиши, фаолият кўрсатиш қувватларининг ортишида намоён бўлади.

Бундай ўқувчиларда кишилик дунёсидаги муносабатлар ва ўз-ўзини англашга бўлган интилиш кучлидир. Улар бутун борлиқда рўй берадиган ҳодисаларни объектив, мавжуд ҳолатлар сифатида идрок этадилар, улар орасидаги мантиқий алоқадорликни излайдилар. Вокеа-ҳодисалар орасидаги алоқадорликн<sup>^</sup> топишига интиладилар. Бундай ўқувчилар аксарият ҳолатларда вокеа-ҳодисаларнинг натижаларини башорат қиласидилар. Улгр ўз қарорларида қатъий туриб нотўғри ҳолатларни инкор қиласидилар, ҳақоний ҳолатлар ва вазиятларни исботлашга интиладилэр.

Ўқувчиларнинг нуқтаи назарлари қанчалик барқарор бўлса, ,и.||)нинг хулқ-атворлари шунчалик беками кўст, мазмунли ва м.1-,|;улдор бўлади. Улар ўз ҳаракатларини мавжуд миуқарашлари доирасида амалга оширадилар. Улар ўқув-билив |»;нида ностандарт топшириқларни осонгина эча олиш тларини намоён эта оладилар. Уларнинг ҳаракатлари ашувчанлик ва сафарбарлик кўрсатишга асослангандир. I , идай ўқувчиларнинг ўқув ҳаракатлари, маданий меҳнат , никмаларини ўзлаштиришлари ҳамда ўқув жараёни и пижаларидан амалиётда фойдаланишлари, ижодий фаолият . |н:атишлари осон кечади.

Ўқувчиларда барқарор дунёқарашининг шакллантирилиши п.пижасида уларда тадқиқотчилик кўникмалари ҳосил бўлади.

• I училар нуқтаи назарларининг барқарорлиги натижасида улар пимоий ҳаётга осонгина мослашадилар. Ўқувчилар қатъий I ч'пвлар қабул қилишда ўзларининг нуқтаи назарлари ва Оарқарор дунёқарашибарларига таянадилар. Бундай дунёқараш , |'.умчиларнинг бутун ҳаётлари давомида уларнинг фаолиятларини Оошқаради. Ўқувчилар осонгина бир нуқтаи назардан иккинчи мұцтai назарга ўта олмайдилар.

У'увчиларнинг дунёқарашибарларидаги барқарорлик вужудга ЮЛГвнда барча ҳолатлар уйғунлашади. Бизнинг кузатишларимиз аксарият ўқувчиларда барқарор нуқтаи назар ва илмий дунёқарашибарларнинг мурлакблаштиришлари кўрсатди. Уларнинг хулқ-атворида асосан .педагигилар намоён бўлиши аниқланди: вазифалар, майлар, ммкатларнинг вужудга келиши, уларни татбиқ этиш истаги, • иинчиликларни англаш, салбий ҳиссий таъсир, мантиқсиз 'имларга келиш, ҳис этилган қийинчиликларни мурлакблаштириш, салбий ҳиссиётларнинг кучайиши, фаолият . /|м .атишнинг ёмонлашуви, ўқишига бўлган майлларнинг пасайиши иябилар.

Бундай ўқувчиларда салбий ҳиссий зўриқиши кузатилди. Бу • |рэдаги хулқ-атвор натижасида уларда кўркув ҳисси кучайганлиги "•к бўлди. Бу эса уларнинг хулқ-атворларига салбий таъсир K|рсатади. Бундай ҳолатларда ўқувчилар қийин топшириқларни ||(.|ришлари жараёнида ўзларини кўмакдошсиз, нахотсиз 1Лгандек ҳис этадилар. Улар ўз хатти-ҳаракатларига нисбатан пцқарор муносабатда бўладилар.

Лгар ўқувчиларда вазифаларни ечишда барқарор изланиш • миожлари ҳосил бўлмаса, улар мазкур топши<sup>^</sup>иқларни

**i7 p, ПК \ рхтз |**

тасодифий ҳолдай ечишга ҳаракат қиласылар. Уларда қийинчиликларни бартараф этиш соҳасида фаоллик күзга ташланмайды, ўз фаолиятларини баҳолаш иштиёқи пасайиб, ўз I хатти-ҳаракатларидан норозилик ҳисси кучаяди. Бундай ўқувчилар ўзликларини узоқ излайдилар, атрофдагилар ҳамда синфдошлари орасида ўзларининг муносиб ўринларини тополмайдилар. Улар бажарадиган хатти-ҳаракатларининг йўналишлари ноаниқ. Улар таянадиган маънавий, ахлоқий тамойиллар барқарор эмас. Бундай ўқувчилар вужудга келган вазиятларга тез мослаша олмайдилар, уларнинг ўз атрофлари даги одамлар, тенгдошлари, ота-оналари билан муносабатлари ноаниқ ва чидаб бўлмасдир.

Уларнинг дунёқарашлари ва нуқтаи назарлари ўта салбий кўринишига эга. Улар ўз шахсларига нисбатан талабчан, шу билан бир қаторда бошқаларга нисбатан такаббурона, беписанд муносабатда бўладилар. Бошқаларнинг ярамас, ёқимсиз хатти-ҳаракатларини муҳокама қиласар эканлар, уларга бериладиган салбий баҳоларни бошқаларга ҳам раво кўрадилар. Бу жараёнда улар ўз фаолиятларининг йўналишларини аниқлашга ҳаракат қиласылар, вазиятни юмшатувчи ҳолатларни изламайдилар. Бундай ўқувчилар ўқитувчилари ва бошқа синфдошларининг танбеҳларини қабул қиласылар. Улар мунтазам тарзда ота-оналари ва ўқитувчилари орасида зиддиятларни вужудга келтириб, уларнинг муносабатларини бузишга сабабчи бўладилар. Бу эса уларнинг тенгдошлари, ўқитувчилари ва ота-оналари билан бўлган муносабатларини мураккабластиради. Улар дарсда ва дарсдан ташқарида ўзларининг ижобий ҳистойғулари ва нуқтаи назарларини намоён эта олмайдилар. Бундай ўқувчилар мактабдан ташқарида норасмий тарзда шаклланадиган гуруҳларга тез қўшиладилэр ва улар бундай гуруҳларнинг ҳаракат тарзини мактабдаги ўқувчилар гуруҳлари орасига ҳам олиб кирадилар. Бундай ҳолатларда ўқитувчилар мазкур ўқувчиларнинг нуқтаи назарларини мактабда кенг микёсда намоён қилишларига шароит яратишлари лозим. Бундай шароитларда ўқувчиларда ўзига ишонч ҳисси мустаҳкамланади. Улар нафақат ўз тенгдошлари, балки катталар орасида ҳам ўз ўрнилари мавжудлигини ҳисс эта бошлайдилар.

Ўқувчилар муайян жамоада ўз ўрнини топгандагина кутилган самарадорликка эришиш имконияти вужудга келади. Шу тариқа

пумвқараш таркибида жамиятда муносиб ўрин топиш вазифаси I никудлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Шунинг учун ҳам жамият ўта мураккаб ва хавфли-пиятларда ҳар бир шахснинг нуқтаи назарларини текшириб, |мди Атроф-муҳит билан ҳамкорлик қилиш жараёнида ҳар бир унчи маълум даражада унга алоқадор бўлади. Мазкур жараёнда .ичилар нима ҳақида ўйлашлари, тасаввур қилишлари и 11имлигини ҳисс этадилар.

Дунёқараш ўзида яхлит билимларни мужассамластиради. • и.фнинг изчил тизими ҳозирги замонда мавжуд бўлган •• ипимларнинг асосий таркибини ифодалайди. Дунёқараш асосан мштодологик ғоялар, назариялар ва тамойиллар доирасида ••п.шплантiriлади. Ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган и иимлар мунтазам ҳаракатда бўлади. Бу ҳаракатлар бошқа И шмлар билан алоқадорлик, уларни кундалик фаолиятда қўллаш шла билиш вазифалари билан боғлик ҳолда амалга ошади. ••личиларнинг эгаллаган билимлари қатъий дунёқарашга .....тиши учун, уларнинг қарашлари ва фаолиятларига сингиши, ММкур билимларни бойитиш эҳтиёжи вужудга келиши, уларни 1МЙЛда қўллашдан манфаатдорлик ҳисси кучайиши лозим.

Ўқувчиларнинг ҳиссиётлари ва кечинмалари турли қўзғатувчи /шар таъсирида вужудга келиши мумкин. Агар ўқувчиларнинг ИССИётлари қанчалик кучли бўлса, уларнинг ўзлаштиргэн •чиимлари шунчалик мустаҳкам бўлади. Ўз навбатида барқарор |уқтаи назарга асосланган дунёқараш нафақат ақлни, балки •! сиётларни ҳам қўзғатади. Ўқувчиларнинг ижобий ҳиссий "п.ппари уларни ўз шахсий тажрибаларига мурожаат қилиш, (ПШр ёрдамида янгидан-янги билимларни эгаллаш, улар устида нишшга сафарбар қиласи.

Дунёқараш намоён бўлишининг қуйидаги босқичлари мавжуд:  
- дунёқараш ёрдамида ўқувчилар онгидаги уларни  
> I мрбарлика ундовчи ҳиссиётларнинг вужудга келиши, ўқувчи, iуп аҳамиятли бўлган ҳодисалар рўй бергандага, дунёқараш И1 сий жараён сифатида намоён бўлиши, бунинг ўқувчилар руҳий нмгларининг жадаллашви, қўзғалиши кузатилади;

натижада ҳиссиётлар ва кечинмаларнинг белгилари шиқланади; воқеа-ҳодисалар тажрибага асосланган ҳолда мицангандага ўқувчиларда ижобий кечинмалар вужудга келади.

1Лбий ҳиссиётлар эса, уларнинг фаолиятига салбий баҳо Пврилганда вужудга келади. Ўқувчилардаги ижобий ҳиссиётлар

тажрибага асосланган ҳаракатларни қўзғатади Салбийлари эса, уларни салбий ҳодисалар билан алоқа ўрнатишга ундаиди;

- ушбу босқичда ўқувчиларнинг ҳиссиётлари даражалари назорат қилинади. Кучли ҳиссий қўзғалишлар шароитида қўрқув, ғазаб, қувонч ҳисси сақланиб қолади, уларни йўналтириш ва назорат қилиш имконсиздир.

Мазкур босқичларнинг яхлитлиги ва ўзаро алоқадорлигини таъминлаш мұхим аҳамиятга эга.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, ўқувчилар тез-тез хафагарчилик, ғазаб, безовталиқ ҳолатларига тушиб қоладилар Бундай шароитда улар ақлий операцияларни бажара олмайдилар, хайрли ишларга қўл урмайдилар. Бундай ўқувчилар ташлаб юбориш, синдириш, силкитиш, эзиш, йиртиб ташлаш, бузишни хоҳлайдилар ва шу орқали ўзларидаги салбий босимни пасайтиришга ҳаракат қиласидилар. Мулокот жараёнида улар ўз тенгдошларига ташланиб, заҳрларини сочадилар. Улар заҳрларини атрофдагиларга сочиб, уларнинг ҳам кайфиятларини бузадилар. Бу ҳолат ўқувчиларнинг ўқув-билив фаолиятларига салбий таъсир кўрсатади. Бироқ уларнинг бундай кайфиятлари ўткинчидир.^У

Ўз кечинмалари учун масъулият ҳис қиласидиган инсон кучли бўлиб, унинг нуктаи назарлари барқарордир. Ҳиссиётларнинг қўлга олиш орқали ёш авлоднинг инқирозга юз тутмаслиги таъминланади. У барча турдаги руҳий қийинчиликларни бартараф этиш, ёшларни салбий иллатлардан ҳимоялаш имконини беради. Бундай одамлар ўзларини қўлга олиш, вазмин, сокин, ҳаммага баробар, ғазабланмайдиган, қаҳрсиз ва орқага чекинмайдиган бўладилар. Ташқи ҳиссиётларга камдан-кам ҳолатларда бериладилар. Уларда мантиқий фикрлар жараёни секин кечади. руҳий ҳаракатчанликлари юқори даражада ривожланмаган бўлади. Улар фаолиятга киришиш учун узоқ вақт ҳаракат қиласидилар ва секин мослашадилар. Улар дунёнинг илмий манзараси, кишиларнинг ҳаётий фаолиятлари, олимлар, жамият арбоблари ҳақида кам ўйладилар. Уларнинг нуктаи назарлари барқарор эмас. Бундай ўқувчиларга нисбатан ўқитувчилар жуда талабчан бўлишлари ва уларга маданиятшунослик ва инсонпарварлик тамойиллари нуктаи назаридан ёндашишлари керак.

Ҳар бир ўқувчи муайян жамиятда яшар экан, унинг аъзолари билан маданий мулокотга киришишга тайёр бўлиши лозим. Улар

11р< | фдагиларга нисбатан фаол ва юксак ахлоқий меъёрлар днериасида муносабатда бўлишлари талаб этилади. Ўқитувчилар

минг баркамол шахе сифатида шаклланишларини шъминлашлари лозим. Бунинг учун эса ўқувчиларда барқарор ИЛМИЙ дунёқарашни шакллантириш педагогика фанининг мұхим II уз ечимини кутаётган вазифалардан бири эканлигини алоҳида ч.1ироф этишлозим.

Инсон ўзи учун муайян оламни кашф этиши, у ҳақида аниқ Тисаввурга эга бўлиши керак. Инсонларнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари умумий характердаги ҳиссий ҳолатлар, гяшвишларни вужудга келтиради, атрофдагиларга нисбатан Инсоний муносабатни шакллантиради. Шу нуктаи назардан Цндашиш натижасида дунёқарашнинг инсонларварлашган шакли пужудга келади. Бу эса оламнинг илмий манзарасини яратиш ва 1ХЛИГ тарзда тасаввур қилиш имконини беради. Унинг ёрдамида ,|,упчиларга маънавий ахлоқий қоидалар, тамойилларни ишдириш имконияти вужудга келади. Чунки бу қоидалар ва шмойилларда жамият аъзоларининг ижтимоий-маънавий, маданий тажрибаси, миллий кадриятлари умумлашгандир. Унинг ЮОЕИДА ахборотларни танлаш ва тартибга солиш йўллари ифодалангзн бўлади. Нуктаи назарнинг ушбу жиҳати ўқувчи дунекарэшида инсонпарварлик ғоясининг кириб келишини !аъминлайди. Ўқувчиларга бундай ғояни сингдириш инсон, табиат на жамият орасида ҳамкорликни вужудга келтириш, улар ҳақида имаш имкониятини таъминлайди. Натижада ўқувчилар узбек халқининг ижтимоий-маданий тажрибасини фаол ўзлаштиришга киришадилар.

Ўқувчиларда ҳиссий билиш имкониятлари қанчалик кенг iиүнса, улар моддий оламни шунчалик аниқроқ идрок эта игшдилар. Бунинг натижасида ўқувчиларда илмий дунёқараш мустаҳкамланади. Натижасида ўқувчиларда инсон, табиат ва жамият орасидаги изчил, яхлит алоқадорликни ифодаловчи ниммлашган билимларни ўзлаштириш имконияти вужудга келади. Инсон ва дунёни англашга асос бўладиган билимларни утасишириш натижасида ўқувчилар жамият талабларини ҳам штаб, ўз фаолиятига сингдириб борадилар. Ахлоқий қоидалар ин тамойилларда халқнинг турмуш тажрибаси умумлазшган вўлади. Ахлоқнинг табиийлигини таъминловчи мезонлар ахлоқий •пдисаларни билиш ва баҳолаш имкониятини беради.

Ўқувчиларнинг дунёқараашларида инсонпарварлик ғояларининг ифодаланиши уларнинг билиш фаолиятлари ва қизиқишларини ҳам муайян мақсадга йўналтиради. Дунёқараашнинг барқарор, изчил характерга эга бўлиши, бошқа ҳодисалар ва ҳолатлар ҳақида ахборот олиш эҳтиёжини кучайтиради. Мазкур жараёнда ўқувчилар барча ахборотларни тизимлаштириш учун мантиқий операцияларни бажаришга интиладилар. Шу тариқа инсонпарварликка асосланган дунёқарааш ўқувчи ақл-заковатини ривожлантиришга кўмаклашади. Ақп-заковат эса ўткир ақл-идрок, донишмандлик демакдир. Ўқувчининг заковати унинг ақлий фаолияти таркибига киради. Ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимлар уларнинг қараашларини шакллантиради. Бу эса уларнинг кундалик фаолият тарзлари ва хулқ-атворларини таркиб топтиради.

Ўқувчиларнинг дунёқараашлари етарли даражада инсонпарварлаштирилмаган бўлса, уларнинг ижодкорликлари ва маданиятилилк даражалари пасаяди. Иқтисодий ҳамда ҳуқуқий фаолият жараёнда қонунлардан чекиниш кайфияти вужудга келганда ўқувчиларнинг дунёқараашларида ҳам салбий кўринишлар ҳосил бўлади. Бундай ўқувчилар ахлоқ, виждон, инсоний ташвишлар ва етуклик тушунчаларининг мазмун-моҳиятини идрок эта олмайдилар. Улар ўз атрофларидағи кишиларнинг ҳаракат йўналишлари, ҳис-туйғулари, дардлари, кечинмаларини тушунишга интилмайдилар, ўз яқинларига нисбатан бефарқдирлар. Улар ўз дунёқараашларини ривожлантириш, такомиллаштиришга интилмайдилар. Бундай ўқувчилар синфда яккаланиб қоладилар ва ўз синфдошлари билан зиддиятларга борадилар. Уларнинг яқин, сирдош дўстлари деярли бўлмайди.

Ўқувчиларнинг дунёқараашларида инсонпэрварликнинг етарлича таркиб топмаганлиги натижасида, уларнинг шахсий тараққиётларида нохуш ҳолатлар вужудга келади. Бундай ҳолатларда ўқувчилар онгига дунёning яхлит илмий манзарасн шаклланмайди ва улар табиий-илмий билимларни етарлича эгаллаш имкониятига эга бўлмайдилар. Улар ҳиссиётларга берилувчан, асабий, ўз-ўзларини такомиллаштириш ва ривожлантиришга яққол интилмайдилар. Улар тобора ўсиб бораётган ахборотлар оқимида ўзлари учун мақбул йўналиш танлай олмайдилар ва ўз tengdoшлари, атрофдагилари билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришиш имкониятига эга эмаслар. Улар

лпарига юзаки қарайдилар ва уларда ички қарама-қаршиликнинг У ўнлиги кузатилади. Уларнинг ҳукмлари оддий ва попаларчадир.

Ривожлантирувчи таълим жараёнда ўқувчилар фаол нуқтаи нязарга эга бўладилар. Уларда фаол нуқтаи назарни ш.шллантиришда ўқув материаллари алоҳида ўрин эгаллайди. 11,ун материаллари устида ишлаш жараёнда ўқувчилар ўзлари ,чум зарур бўлган ахборотларни тўплаб оладилар. Бу ахборотлар пни, шубҳали, қўшимча, инончизс бўлиши мумкин. Ўқувчилар I ірс ва дарсдан ташқари жараёнларда муҳим ахборотларни , имтишишлари натижасида, эгаллаган билимларини пммалаштиришлари ва ўз фаолиятларини баҳолашлари мумкин. • ".упчиларда муайян хулқ-атвор кўринишларининг аниқланиши ва I | олдига ҳаётий мақсадлар қўйиш жараённинг тугалланиши нитижасида, уларнинг дунёқараашлари шаклланади ва муайян нуналишга эга бўлади.

Ўқув-билиув жараёнда ўқувчиларда ўз мақсадлари ҳақида йўмиқ тасаввур ҳосил бўлади. Улар ўз хатти-ҳаракатларининг рпжаларини тузадилар ва ўзларининг баҳоловчи фаолиятларини мниқлайдилар. Ўқувчилар ўзлаштирган қадриятлар уларнинг мийтий йўналишлари ва дунёқараашларини белгилайди.

Ўқувчилар инсонни олий қадрият деб тушунган ҳолда ўз фаолиятларини эҳтиёжларини қондиришга йўналтирадилар. Масалан, билиш, эстетик, амалий ҳамда баҳоловчи кабилар.

Бунинг учун улар қўйидагиларни амалга ошириши лозим: ўқув фанлари мазмунини интеграллаштирган ҳолда улар таркибида интеллектуал, ижодий ҳамда эвристик топшириқларга кўпроқ ўрин ажратиш; умумтаълим мактабларида дарсдан ва синфдан ташкири таълим мазмунини такомиллаштириш, уларда ўқувчиларни қизиктирадиган назарий билимлар баёнига кўпроқ ўрин ажратиш; ўқув материаллари таркибида ижтимоий характердаги назарий билимлар ифодаланишига алоҳида эътибор қаратиш; ўқув-билиув жараённида ўқувчиларнинг ижодий фаолият кўрсатишларига кўпроқ вакт ажратиш; ўқув-билиув жараённида ўқувчиларнинг билиш қизиқишларини ошириш асосида бир-бирини тақорламайдиган ўқув топшириқларининг бажарилишига эришиш; ўқувчилардан нафақат касбий билимлар, балки чуқур назарий билимларни талаб қилувчи ижодий лойиҳалар тайёрлашлари ва уни намойиш қилишларига эришиш; ўқув-билиув жараённида ўқувчиларнинг ўзлари эгаллаган билимлар ва интеллектуал фаолият натижаларидан қониқиши ҳосил қилишларига эришиш ва ҳ.к.

/ Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш учун бир қатор омиллар ва умумий шарт-шароитлар мавжудлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар: ўқувчиларнинг ўз фаолиятлари мақсадлари ва ўзлари эгаллаган билимларнинг табиат ва жамиятдаги ижтимоий аҳамиятини англаб этишлари; ўқувчилар илмий дунёқарашига тўсқинлик қиласиган ҳолат сифатида уларнинг интеллектуал фаолият кўникмасига эга эмасликларини кўрсатиш мумкин.

Ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришнинг муҳим шарти уларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган интеллектуал фаолият таҳрибасини ҳосил қилишдир. Мазкур фаолият уларни келажакда илмнинг муайян соҳасини чуқур эгаллашга ундаши лозим. Бунинг учун ўқувчилар ўзларининг ҳаракатларига янгиликлар киритиш орқали интеллектуал фаолиятларини такомиллаштиришлари талаб этилади.

**1) г** Ўқувчиларда илмий дунёқарашлари ривожланишининг мантиқий фикрлашга асосланган босқичида ўқув фанлари мазмунини чуқур ўзлаштиришлари лозим Улар мавжуд билимлари асосида ўзларининг касбий йўналишларини танлаш имкониятига эга бўлишлари талаб этилади Ушбу босқичда

уқувчилар назарий билимларни билиш фаолияти билан кенг кўламда шуғуланишлари керак. Улар ҳар доим ўзларини мустақил билим олиш ва ўз илмий дунёқарашларини • акомиллаштиришга интилишлари, бунинг учун тенгдошлари ва лфоффдагилар билан мулоқот ва мунозарага киришишлари талаб :лилади. Улар назарий билимлар, илмий тушунча ва пхборотларни англашган ҳолда умумлаштириш кўникмасига эга ьупишлари лозим. Улар илмий ҳодисаларни яхлит ва чуқур ҳолда идрок этишлари керак. Агар бундай ўқувчиларнинг илмий /«.одисаларни идрок этишларида мантиқий изчиллик кузатилмаса, унар тинимсиз машқлар ёрдамида бу ҳолатни бартараф этишга интилишлари лозим.

Ўқувчилар назарий билимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англашлари алоҳида ахамиятга эга. Уларда назарий билимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларнинг ижтимоий моҳиятига объектив баҳо бериш I уникмаси ҳосил қилиниши муҳимдир. Мазкур босқичда ўқувчилар |урли назарий билимлар орасидаги алоқадорликни тўлиқ идрок 1гиш, шу асосда ўзларининг қатъий илмий нуқтаи назарларини баён қилиш имкониятига эга бўладилар. Улар ўз илмий дунёқарашларини бойитиш устида мунтазам тарзда мустақил ишлашлари тақозо қилинади. Ҳар доим ўз фаолиятлари нлтижаларини намоён қилишга интилишлари лозим. Улар ўзлари ;наллаган билимларнинг моҳиятини англашган ҳолда уни ўз пи 1еллектуал фаолиятларини ривожлантириш ва мкомиллаштиришга йўналтира олишлари керак. Бунда уқи(увчилар ўқувчиларнинг илмий дунёқарашларига тўсқинлик ипмидиган ҳолатларни аниқ билишлари ва ўқув-билиув жараённида /плрни бартараф эта олишлари лозим. Бунинг учун уқитувчилардан қўйидагиларни амалга ошириш талаб этилади: уқунчиларнинг илмий билиш фаолиятларини янги билимларни у шаштиришга йўналтириш; бундай иш турларини ташкил этиш жараённида репродуктив ҳаракатердаги ўқув топшириқлари ва м.ниқлардан фойдаланмаслиги; ўқувчиларнинг мустақил Ишларини ташкил этишда самарали, кенгайтирилган иш м.модлари, аклий иш усувлари, жараёнларини ташкил эта олиши «,1мда технологияларидан фойдалана олиши; ўқувчиларнинг ҳар бр интеллектуал фаолиятлари натижаларининг ижтимоий I • 1МИЯТИНИ уларга уқтириши; уларнинг илмий билимлари нчараси ва эришган ютуклари доирасини кенгайтира олиши; улар

ўзлаштирган билимлар ва чиқарган хulosаларнинг мантиқий асосга эгалиги ва ишончлилигини текшириб кўриши лозим.

Мазкур жараёнда ўқитувчи ўқувчиларнинг келажакда шуғулланадиган илм соҳалари ва касб танлашларига кўмаклашиши зарур. Уларнинг келажакка ишонч билан қарашлари, ўз олдиларига муайян мақсадлар қўя олишлари ҳамда бу мақсадларга эришиш йўлларини билишлари кўп жиҳатдан эгаллаган билимлари ва ўқитувчиларнинг мазкур жараёнга тўғри раҳбарлик қилишига боғлиқ. Ўқувчилар таълим жараёнда ўргатиладиган барча ўқув предметларининг ижтимоий ва шахсий аҳамиятини ўқитувчилар кўмагида англаб етадилар. Улар ўzlари шубҳаланадиган барча илмий ҳамда ҳаётий муаммоларни ечишда маълум даражада ўқитувчининг кўмагига таянадилар.

• Мустаҳкам илмий дунёқарашга эга бўлган ўқувчиларнинг хулқатворлари ҳам аксарият ҳолатларда барқарор бўлади. Улар ўз интеллектуал фаолиятларининг субъекти сифатида назарий билимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларни билиш билан фаол шуғулланадилар. Уларнинг ўз интеллектаул фаолиятларини такомиллаштиришга мунтазам интилишлари кузатилади. Улар мазкур жараёнга атрофларидағи тенгдошлари ва синфдошларини фаол жалб қиласидилар. Улар назарий билимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларни чуқур мушоҳада қиласидилар ва умумлаштирадилар. Улар мазмун-моҳиятини тушуниб етган барча билимлар интеллектуал фаолиятларида яхлит тарзда намоён бўлади. Улар илмий ҳодисаларни ҳар томонлама чуқур тушунган ҳолда амалий фаолиятларида улардан самарали фойдаланадилар. Улар зарур ҳолларда илмий ҳодисаларни табиий тарзда баҳолайдилар. Чунки бундай ўқувчилар ўзлаштирган билимларининг ижтимоий аҳамиятини ўзаро қиёслаган ҳолда ўрганиш имкониятига ҳам эгадирлар. Улар илмий ҳодисаларнинг моҳиятини ҳис этишда турли ҳиссиёт ва кечинмаларга берилмайдилар. Уларнинг илмий дунёқарашлари жадал ривожланиш ва мунтазам такомиллашиш имкониятига эга. Ўқувчилар ўз хulosаларида мантиқий мушоҳадалари ва қарашларини тўлиқ баён этиш имкониятига эгадирлар. Улар ўз илмий дунёқарашларини мустақил тарзда кенгайтириш устида ишлайдилар, ўз интеллектуал фаолиятлари самарадорлигини билиш ва унинг натижаларини намоён қилишга интиладилар.

Ўқув-билиув жараёнда ўқувчиларнинг илмий дунёқарашларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун

ўқитувчилар қўйидагиларни амалга оширишлари лозим: ўқув-билиув жараёнда ўқувчиларнинг илмий ахборотларни эгаллаш ва ўзлаштиришга йўналтирилган ижодий билиш фаолиятларини ташкил этиш; бу жараён муайян янгиликларга эгалиги билан алоҳида педагогик аҳамият касб этиши; ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимлари ва чиқарган хulosалари илмий жиҳатдан исботланганлиги, аниқ далилларга эга бўлиши, мантиқий жиҳатдан ишончлилиги ҳамда зиддиятли бўлмаслигини назорат қилиши; ўқув-билиув жараёнда ўқувчиларнинг ўз фаолиятларини лойихалаш; ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришиш йўлларини билишларига кўмаклашиши поЗНМ.V

Х. Тахлилларимиз натижасида мантиқий фикрлашга асосланган у|(ув-билиув босқичида ўқувчиларнинг илмий дунёқарашларини шакллантиришнинг қўйидаги умумий шароитларини аниқлашга муваффақ бўлдик. Ўқувчилар ўзларининг илмий муаммоларни | чишлари, илмий дунёқарашларини ривожлантириш, Ф.юлиятлари натижаларини аниқлаш имкониятларини билишлари поЗим.

№ ўқувчилар ўз илмий дунёқарашларини мустаҳкамлашлари viyii, а) янги билимларни эгаллашга йўналтирилган илмий билиш фаолиятида иштирок этишлари; б) мазкур фаолиятнинг натижалари уларнинг илмий дунёқарашларига қандай таъсир |, | и, 1тишини билишлари; в) ўқувчилар ўzlари ўзлаштирган 'ипимлари ва чиқарган хulosаларини ҳаққонийлиги, муайян • т шилларга асосланганлиги ва зиддиятларга эга эмаслигини паб берга олишлари лозим (2.1.3.-жадвал).

Шундай қилиб, ўқувчиларда илмий дунёқарашни шикллантиришга йўналтирилган ўқув-билиув жараёни мазкур |к.)да муайян самарадорликка эришиш имконини беради.

Ўқувчилар томонидан бажарилган мустақил ижодий ишлар, /миуичилар билан ҳамкорликда ўтказилган жамоавий мухокамалар, улар якунида эришилган натижалар, ўқувчиларнинг м., 1( )фақиятини таъминловчи ўқув вазиятлари, ўқувчиларнинг i шмбускорликларини ҳосил қилиш имкониятлари, илмий • "днсаларга нисбатан қизиқувчанликни ҳосил қилиш, илмий • ;1И(.аларни ўзлаштириш ва улар устида фикрлаш, ўзлаштирган i имимпарни амалий фаолиятга жалб этиш, ўқувчиларда илмий |рашни самарали шакллантириш имконини беради. V

### 2.1.3.-жадвал

Үқувчилар илмий дунёқарашининг шаклланишига таъсир кўрсатадиган дидактик омиллар ва шарт-шароитлар

Уқувчиларда илмий дунёқарашининг шаклланганлик даражаси	Илмий дунёқарашининг шаклланишига асосбўладиган омиллар	Ўқувчиларда илмий дунёқарашининг шаклланишига кўмаклашадиган дидактик шароитлар
Уқувчиларнинг амапий тажрибасига асосланган ҳолда уларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш босқичи	Уқувчиларнинг ўзлари учун тўғри йўлни танламаганликлари ва келажакда ўз илмий дунёқарашларини тўлиқ намоён қилиш орасидаги зиддиятлар	Уқувчиларнинг билимларни мустақил эгаллаш учун танлаган йуналишлари, интеллектуал ривожланиш имконини берадиган муаммоли вазиятлар, икседий ташаббусларга ундовчи усууллар, ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимларини ижтимоий йўналтириш, билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларда фаоллик ва мустақилликнинг ошиши
Уқувчиларнинг назарий билимларига таянган ҳолда уларда илмий дунёқарашини шакллантириш босқичи	Ўз интеллектуал фаолиятлари мақсалари ва ижтимоий ҳаётдаги ўз ўринларини англашлари, илмий фаолиятда муваффакиятга эришиш йўлларини билишлари	Ўзлаштирган билимларига асосланган ҳолда ўз фаолиятларига янгиликлар киритиш, янги билимларни мазмун-моҳиятини билишга интилиш, ўз ижодлари маҳсулидан амалиётда фойдаланиш, ўз билимларини бойитишдан қониқиш
Уқувчиларнинг мантиқий фикрлаш даражаларига таянган ҳолда уларда илмий дунёқарашини шакллантириш босқичи	Узлари танлаган соҳанинг ижтимоий аҳамиятини ва ўз фаолиятларини ривожлантириш ва татбиқ этишининг ижтимоий ҳамда шахсий аҳамиятини билишлари	Янги билимларни эгаллашга йўналтирилган илмий билиш фаолиятида иштирок этиш, мазкур фаолият натижалари ва унинг интеллектуал фаолиятларини ривожлантириш ҳамда намоён қилишдаги аҳамиятини англаш, ўзлаштирган билимлар ва чиқарган хуросаларининг асосланганлиги, далилланганлиги, мантиқий жиҳатдан ишончлилиги ва зиддиятларга эга бўлмаслигини таъминлаш.

Ўқувчилар томонидан бажарилган мустақил ижодий ишлар, /кигувчилар билан ҳамкорликда ўтказилган жамоавий мухокамалар, улар якунида эришилган натижалар, ўқувчиларнинг мunaффaқиятини таъминловчи ўқув вазиятлари, ўқувчиларнинг ышаббускорликларини ҳосил қилиш имкониятлари, илмий «и «дисаларга нисбатан қизиқувчанликни ҳосил қилиш, илмий •идисаларни ўзлаштириш ва улар устида фикрлаш, узлаштирган |'ипимларни амалий фаолиятга жалб этиш, ўқувчиларда илмий дут.-қарашни самарали шакллантириш имконини беради.

Янги<sup>4</sup> билимларни ўзлаштириш мақсадида ижодий м.н:с>ларни ечиш, бу жараёнда интеграл билимлардан | "идаланиш, ўз интеллектуал даражасини ривожлантириш '• 1 иёжининг вужудга келиши, ўзлари ва синфдошларининг "облари ва ёзма ишларига баҳо бериш, ўзлари узлаштирган имларнинг ижтимоий ҳамда шахсий моҳиятини англаш, уларда иммий ҳодисаларни эгаллашда мустақиллик ва ўз интеллектуал фаолиятларини ривожлантириш фаоллигини вужудга келтиради.

Уқув-билув фаолиятида иштирок этиш, бу жараёнда янги имларни ўзлаштириш, мазкур фаолият натижаларининг 1ият ҳаётидаги аҳамиятини англаш, ўзининг интеллектуал • 11. и II мятнй ривожлантиришга интилиш, уни мунтазам .... миллаштириш, ўзларининг интеллектуал фаолиятлари ижаларига янги билимларни татбиқ этиш, тақдим этилган '• ипимларни эгаллашда изчиллик тамойилига амал қилиш, ҳар Пир илмий ҳодисани асослаб бера олиш, мантиқий далиллаш, .viii .шарнинг объективлигига эришиш ўқувчиларда ....мпантирилган илмий дунёқарашининг ҳаққонийлигини асослаш иммиинини беради.

I.упарнинг барчаси ўқувчиларнинг тадқиқотчилик I . . . иятларида мужассамлашади.

Уқувчиларнинг илмий дунёқарашлари уларнинг дастлабки тдниқртчилик кўникмаларида намоён бўлади ва .к.самлашади.

Купгина тадқиқотчilar педагогик фаолиятни лойиҳалашда ....иаарварлик тамойиллари нуктаи назаридан ёндашганлар I ' йфарова, Б.Адизов, У.Мусаев, Н.Жумаева, Е.В.Бондаревская, 'Н.орытко, О.С.Газман, В.В.Сериков, И.С.Якиманская). Ди/иктиқ вазият тушунчаси ўқувчиларга нисбатан ташқи шароит • мфшида намоён бўлади. Муайян дидактик вазиятларда , "иларда фаоллик вужудга келади. Тўғридан-тўғри педагогик

шароитларнинг таъсиридан кўра дидактик вазият ўқувчиларга кадриятли, бир маромдаги ва бетакрорлик касб этиб, барча ҳаётй ҳолатларда уларга фаолият кўрсатиш сари йўл очади.

Ўқувчиларни шакллантирувчи педагогик шароитлар тизими ўқитувчилар томонидан онгли тарзда лойиҳалаштирилади ва муайян дидактик мақсадни амалга оширишга йўналтирилади, яхлит дидактик ҳодиса сифатида намоён бўлади.

Биз юқорида етакчи дидактик шароитларни кўрсатиб ўтган эдик. Бу шароитларни ўқитувчи ўқув-билув жараёнида лойиҳалаштиради ва ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш учун қулай дидактик вазиятни вужудга келтиради Бундай ўқув вазиятлари сирасига фаолиятли ўқув вазиятини киритиш мумкин. Чунки ўқувчи шахси ўқув фаолияти жараёнида шаклланади. Бироқ ҳар қандай фаолият ҳам ўқувчини ривожлантириш имкониятига эга эмас. Ўқувчиларни ривожлантириш имкониятига эга бўлган фаолият унинг мақсадлари, интилишлари ва қизиқишлирга мое келиши керак Агар фаолият ўқувчининг имкониятларини ҳисобга олмаган ҳолда ташкил этилса, у тақдирда бундай фаолият уларнинг тараққиётiga салбий таъсир кўрсатади.

Бизнинг тадқиқотмиз учун муҳим бўлган ҳолат укувчиларнинг илмий дунёқарашига мое келадиган интеллектуал фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиласидиган ўқув вазиятларини ташкил этишдан иборатdir. Бундай фаолият, энг аввало, ўқувчиларнинг ўқув-билув эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиши керак.

Ўқув вазияти -бу дидактик шарт-шароитлар, ҳолатлар, муайян тарздаги ўқув фаолиятининг мужассамлашган шаклидир унда ўқувчи ҳаёт тарзининг муайян босқичи намоён бўлади. Бу жараёnda ўқувчи фаолият кўрсатади ва синфдошлари ва ўқитувчилари билан мулоқотга киришади. Мазкур жараён ўқитувчи томонидан лойиҳалаштирилади ва бошқарилади. Ўқув вазиятида жуда кўплаб дидактик ҳодисалар ва омиллар ёрдамида ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув-билув майдони вужудга келтирилади. Бу майдон ўзида обьектив реаллик, материалларнинг мавжуд шакллари, ўқув фаолиятининг кўламини мужассамлаштиради.

Ўқув-билув майдони, унинг турлари У.Мусаевнинг ишларида батафсил ёритилган. Ўқув-билув майдонлари таълим мазмунига таянган ҳолда ўқитувчилар томонидан лойиҳалаштирилади. Бунда ўқувчиларнинг фаолияти нафақат онгли, балки уйғунлаштирилган

шрзда амалга оширилади. Укувчиларнинг илмий дунёқарашини Шшкллантиришга йўналтирилган ўқув-билув майдони уларнинг инмии дунёқарашини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув н 11ияти сифатида лойиҳалаштирилиши керак.

Ўқув вазияти ва ўқув майдонини ўзаро қиёслаш натижасида уларнинг ҳар бириниг ўзига хос белгиларини аниклаш мумкин ШМБорытко (18.С. 62). Гарчан лойиҳалаштирилмаган бўлсада, Мут майдонининг чегараси ўқитувчилар ва ўқувчилар томонидан Млгилаб олиниши лозим. Ўқув-билув майдонида ўқитувчилар ва у\училарнинг шахсий нуктаи назарлари ифодаланган бўлади. Бу то й ўқув-билув майдонида ўқувчиларнинг самарали ҳаракат кимишлари ва билимларни муваффақиятли ўзлаштиришларини I п.миилади. Бу укувчиларнинг ўқув-билув майдонида қандай фоялият кўрсатаётганинг бевосита боғлиkdir. Шу тарика цидиктик шароитлар ривожланиб, ўқув-билув майдонига айланади п. мазкур майдонда укувчиларнинг илмий дунёқарашлари • штанади. Шунинг учун ҳам укувчиларнинг ўқув-билув • ||.|пиянлари уларнинг илмий дунёқарашларини шакллантиришга «иям.тт қиласидиган ўқув-билув майдони сифатида намоён бўлади. |.у майдонда укувчиларнинг билиш фаоллиги таркиб топади | ,ид 1 и билиш фаолияти натижасида уларда тадқиқотчилик иумикмалари шаклланади. Ўқувчиларни тадқиқотчилик ф I.шиятига жалб этиш орқали уларни билимлар оламига олиб ИИриш имкониятлари кенгаяди. Ўқувчилар тадқиқотчилик I | миятлари жараёнида эгаллаган билимлар мустаҳкам ва чукур .....шмнди. Улар ёрдамида ўқувчилар онгига оламнинг илмий мишираси аниқ акс этади.

Уқув вазиятларини ташкил этишга хизмат қиласидиган, уларнинг илмий дунёқарашларини шакллантириш имконини »<м|1.диган педагогик технологияларни аниклаш ва татбик этиш ....ижисида укувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини • ими|1,1ли ташкил этиш мумкин. Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик (•яипинтларини йўлга қўйиш ўқув-билув жараёнида уларнинг пимиш фаолиятларини ташкил этиш усулларидан бири сифатида iMuftn бўлади.

Ўқувчиларда илмий дунёқарашнинг шаклланганлиги улар шили оламнинг илмий манзараси яхлит тарзда.акс этганлигида (диланади. Бунинг ифодаси сифатида улар узлаштирган 1импарни кўрсатиш мумкин. Билиш фаолияти жараёнида рчилар турли назарий билимлар, тушунчалар ва илмий

ахборотларни ўзлаштирадилар, уларни амалий фаолиятларига татбиқ этадилар. Бундай фаолият натижасида укувчиларнинг амалий тажрибалари ва назарий билимлари бойийди. Билиш жараёнида оламнинг илмий манзараси кенгаяди ва ўқувчилар онгида тўлиқроқ акс этади. Бунинг натижасида укувчиларнинг илмий дунёқарашлари кенгаяди ва мустаҳкамланади.

Ўқувчи онгида дунёнинг илмий манзараси яхлит акс этиши улар орасидаги мантикий боғланишни тушуниш имконини беради. Бу алоқадорликнинг муайян қисми ўқувчилар томонидан идрок этилмаса, у ҳолда мантикий боғланишга птур етади. Муайян билимларни ўзлаштириш йўлини укувчиларнинг ўзлари танлайдилар. Ўқувчилар ўз ўқув материалларини ижодий ўзлаштириш тажрибаларига таянадилар. Уларда ўз олдиларига муаммолар қўйиш кўникмаси шаклланади. Улар турли илмий ахборотларни тўплайдилар ва ўзаро қиёслайдилар. Ўқувчилар муайян ўқув предметлари доирасида узлаштирган билим, кўникма ва малакаларини предметлараро алоқадорлик асосида бойитадилар ва такомиллаштирадилар.

Ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятлари уларнинг мустақил изланишлари сифатида ўзлари билган билимларни лойиҳалаш йўлидаги изланишларидир. Бу жараёнда ўқувчиларнинг мустақип фикрлаш фаолиятлари натижасида вужудга келган ижодий ишлари намоён бўлади. Улар ўзлари билмаган нарсаларни билиб оладилар ва ижодий фаолиятлари маҳсулини намоён қилишга мұваффақ бўладилар.

Ўқувчиларнинг мустақил билиш фаолиятлари натижасида ўзларида мавжуд бўлмаган билимларни ўзлатириш имконияти вужудга келади. Ўқув жараёнида укувчиларнинг ўқув-билув фаолиятлари натижасида тасодифий кузатишлардан аник шаклланган билимларга қараб борилади ва уларнинг онгларида янги билимлар мустаҳкамланади.

У ёки бу илмий ахборотлар етишмаслигини тушунишлари натижасида ўқувчилар ўзлари мўлжаллаган натижани қўлга кирита олмайдилар. Бунинг учун ўқувчиларда янги билимларни ўзлаштириш майларини ҳосил қилиш лозим. Бу тарздаги билиш фаолиятлари жараёнида ўқувчилар қийинчиликларни бартараф этишга интиладилар. Ўқувчилар янги билимларни ўзлаштириш натижасида вужудга келган қувонч ҳисси ёрдамида мазкур билимларни такрорлаш, кенгайтириш, бойитиш вл мустаҳкамлашга ҳаракат қиласидилар. Улар ўз фаолиятлари

жараёнида мұваффақиятга эришиш йўлларини мустақил тарзда излашга киришадилар. Мана шундай қувонч ҳисси ёрдамида укувчиларнинг билиш фаолиятлари ўқув жараёнининг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланади. Уларда янги ўқув материалларини ўзлаштириш фаоллиги кузатилади. Шу тариқа уларнинг илмий -дунёқарашлари барқарорлашади ва муайян маромда ривожланади. Бу эса уларнинг фаолликлари ошишини таъминлайди. Бу уларнинг ўрганаладиган илмий воқеликка алоқадорликларини ифодалайди. Натижада укувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятлари билиш фаолиятларининг таркибий қисми сифатида намоён бўлади.

Ўқувчи онгида илмий ҳодисаларнинг яхлит тарзда акс этиши уларнинг илмий дунёқарашларини тўлиқ шакллантириш имконини оермайди. Улар илмий ҳодисалар устида кенг кўламда фикрлаш, уларни табиий тарзда тушуниш, тизимлаштира олиш, гурухлаш кпмда ўзаро ўйғуллаштириш кўникмаларига ҳам эга бўлишлари лозим. Илмий ҳодисаларга ҳаққоний тарзда ёндашиб ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантиришда мухим .м., 1 миятга эга. Ўқувчиларда илмий дунёқарашнинг ифодаланиши улар узлаштирган назарий билимлар, илмий тушунчалар ва .-I юротларнинг ҳаққонийлигига бевосита боғлиқдир.

Укувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятлари ўқув • ||.1m11иятиниң энг юқори кўринишидир. Унинг ёрдамида ўқувчилар муайян изланишларни амалга ошириш ва янгидан-янги ылимларни ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар. I .)дқиқотчилик фаолияти билан шуғулланадиган ўқувчилар ўз ^аракатлари натижаларини баҳолаш кўникмасига ҳам эгадирлар. 1. 1ДКИҚОТЧИЛИК фаолияти натижасида ўқувчилар муайян касбий Йуналишга ҳам . эга бўладилар. Ўқувчилар ўз ишлари тпижаларини асослаш давомида чуқур назарий билимларни , ш.интирганликлари, ўз нуктаи назарларини исботлаш I /иикмаларига эгаликларини ҳам намоён этадилар. Бу жараёнда / M iр узлаштирган билимларининг мантикий асосга эгалиги ва .....нчлилигини ҳам исботлашга эришадилар. Шу билан бир I и ,рда, уларда янги билимларни ўзлаштириш ва мазкур '•ипимлар устида чуқур фикрлаш майллари ҳосил бўлади. i 1ДКИҚОТЧИЛИК фаолияти натижасида ўқувчилар ҳаққоний 'имимларни ўзлаштиришга интиладилар, чунки шундай билимлар - т.юидагина улар томонидан амалга оширилган кичик тдкиқртларнинг табиийлиги таъминланади.

Ўқувчилар табиий билимлар устида чуқур ўйлаганда, улар қадриятга айланғандагина бундай билимлар таълим олувчилар онгида мустаҳкамланади. Чунки укувчиларнинг илмий дунёқараашлари муайян билимлар устида мукаммал фикрлаш натижасида вужудга келади. Ўқувчилар онгида мавжуд бўлган билимлар ва илмий қадриятларга зид бўлмаган назарий тушунчалар ва ахборотлар устида улар ҳар томонлама батафсил фикр юритадилар. Шунинг учун ҳам янги билимларни ўзлаштириш жараёни уларнинг моҳиятини чуқур асослаш натижасида вужудга келади.

Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятлари уларда муайян муаммолар устида изчил изланиш тажрибасини ҳосил қиласди. Улар вазиятларни ўз онгларида аклан тасаввур киладилар. Бундай ўқувчилар ўз ҳаракатлари натижаларини башорат қилиш имкониятига эгадирлар. Натижаларни таҳлил қилиш, янги ёндашувларни излаш, ўзлаштирилган билимлар ва кўнкималарнинг мантиқийлигига риоя этиш тадқиқотчилик фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятлари уларнинг илмий дунёқараашларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш имконини беради.

Ўқувчилар илмий дунёқарашининг ўзига хослиги уларга ижод қилиш ва ўз имкониятларини билиш ҳамда узлаштирган билимларини ўз фаолиятларига татбиқ этишга ёрдами беради. Худди мана шундай илмий дунёқарааш ёрдамида укувчиларнинг маданий савиялари, ўз фаолиятларини амалга ошириш методлари, йўллари, усууллари яхлит тарзда намоён бўлади.

Ўқувчиларни тадқиқотчилик фаолиятига жалб этиш уларни муайян касбга йўллаш билан бевосита боғлиқидир. Агар ўқувчилар онгида назарий билимлар қанчалик мустаҳкам ўрнашган бўлса, улар ўз тадқиқотчилик фаолиятларини шунчалик осон амалга оширадилар ва тадқиқотчилик кўнкималарини пухта эгаллайдилар. Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятлари улар онгида қатъий шаклланган идеаллар билан бевосита боғлиқизир. Ўқувчилар ўз мақсадларига эришиш учун энг зарур назарий билимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларни чуқур ўзлаштиришга интиладилар. Бунинг учун улар дарсдан ташқари жараёнларда ҳам кўплаб маълумотларни тўплашга ҳаракаг қиласди, турли илмий, илмий-оммабоп, тарихий манбалар ҳамда интернет материалларини ўрганадилар.

Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятлари уларни мантиқий, мустақил фикрлаш вазиятига олиб киради. Бу жараёнда улар ўз фаолиятларини лойиҳалаштирадилар, уни амалга ошириш шароитлари устида фикрлайдилар, бу эса укувчиларнинг илмий дунёқараашлари ва маданий савияларини бойитади, уларни илмий ҳамда ижтимоий фаолликка ундаиди. Шу орқали ўқувчилар ўзлари узлаштирган билим ва тажрибаларини кундалик ҳаётий фаолиятларига татбиқ эта бошлайдилар. Ўқувчиларнинг мдқиқотчилик фаолиятлари муайян мақсадга йўналтирилганда гина уларнинг илмий дунёқараашларини шакллантиришга асос бўлади. Бунинг натижасида ўқувчиларда билимларни ўзлаштириш ва улар устида фикрлашга интилиш иужудга келади. Улар ўзлари узлаштирган билимларнинг ижтимоий моҳиятини англай бошлайдилар.

Ўқувчиларнинг илмий дунёқараашлари турли соҳадаги оилимларнинг ўғунашуви натижасида вужудга келади. Бунинг натижасида улар илмий ахборотларни турли ўқув материаллари ёрдамида асослашга интиладилар. Шунга кўра, улар илмий «циссаларни яхлит тарзда идрок этиш имкониятига эга Оуладилар.

Укувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини шакллантиришда лойиҳалаштириш методидан фойдаланиш мучим аҳамият касб этади. Мазкур фаолият муайян мақсадга иуи.ширилган бўлиб, укувчиларнинг дарсда ва дарсдан I ин^чирида бажарадиган фаолият шаклларидан биридир. Бу жираёнда ўқув, изланувчилик, тадқиқотчилик, амалий | 11ифаларни бажаравшига қаратилган бўлиб, бу фаолият муайян Ntyl предмети ва ўқув предметлараро алоқадорлик доирасида IManra оширилиши мумкин.

Укувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятини шакллантириш \*я|шёнида ўқувчилар ҳамда ўқитувчиларнинг илмий ҳамкорлиги |ужудга келади. Бу ўз навбатида, ўқув-билув жараёни M упдорлигини таъминлайди. Бундай ўқув жараёнида олинган И#гижалар интеллектуал характерга эга. Укувчиларнинг

>котчилик фаолиятлари мазмуни уларда илмий дунёқараашни ...ипантиришга йўналтирилгандир. Бундай фаолият натижасида Муичиларнинг интеллектуал қувватлари мужассамлаштирилади. I .ниш учун ўкувчилар тадқиқот жараёнининг таркиби ва унинг 1 иппини белгилашлари, натижаларни аник режалаштиришлари •им Бунда ўкувчилар айни бир ўкув предметига мансуб бўлган

билимлар ва кўникмаларнинг бошқасига татбиқ этиш методларини билишлари талаб этилади. Уларнинг ўзаро бир-бирини бойитиш ва ривожланиш жараёни амалга ошади. Улар умумий характерга эга бўладилар. Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятлари интеграл характерга эга. У ўқувчиларда билимларни ўзлаштириш ва улар устида фикрлашга қаратилган ички интилишни вужудга келтиради. Улар ўзлаштирган билимларининг ўзаро бир-бирига зид келмаслигини ҳам таъминлайди.

Шундай қилиб, укувчиларнинг илмий дунёқарашларини шакллантиришга хизмат қиласидиган тадқиқотчилик фаолияти фаол, ҳаққоний, мантиқий, инсонпарвар, йўналтирувчи ҳамда ўйғунлаштирувчи билиш фаолиятидир. Унинг натижасида ўқувчиларнинг ҳаракатлари онгли ҳамда мантиқий асосга эга бўлади. Бундай фаолият аъло ва яхши баҳоларда ўқийдиган кўпгина ўқувчиларни ўзига жалб эта олади. Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятлари босқичма-босқич ривожланиш характерига эга.

Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолияти муайян мантиққа асосланган ҳолда ташкил топади.

Биринчи босқич дарсда назарий-эксприментал вазият ҳосил қилишдан иборат бўлиб (В.В.Сериков, ўзи), бунда ўқувчиларнииг тадқиқотчилик фаолиятига бўлган қизиқишпарини барқарорлаштиришга ҳаракат қилинади. Ўқувчилар тадқиқотчиликнинг ўқув фаолияти муваффақиятини таъминлашдаги аҳамиятини англаб етадилар. Мазкур босқичда қўйидаги шароитларга амал қилинади: ўқувчиларда билимларни ўзлаштиришга нисбатан ички интилишни таркиб топтириш, ўқувчиларда мустақиллик ва фаолликни ривожлантириш; ўқувчиларни амалий фаолиятга қизиқтириш кабилар.

Мазкур босқичда ўқувчиларга мазмун жиҳатдан аниқликка эга бўлган тадқиқотчиликка оид вазифалар топширилади. Ўқитувчи изланиш йўналишларини белгилаб олади ва ўқувчиларни йўналтиради. Шу билан бир қаторда ўқитувчилар ўқувчилар қўлга киритадиган натижаларни олдиндан кўра олишлари ва башорат қилишлари лозим. Бундай ҳолатларни ўрганиш натижасидеп ўқувчилар илмий ҳодисалар ва маълумотлар орасидаги ўзаро алоқадорликни англаб етадилар. Илмий ҳодисаларни билиш, уларнинг аҳамиятини англаб етиш, ўзлаштирилган билимлар ва кўникмаларнинг аҳамиятилилар даражасини тушуниш мухимдир ўқувчиларнинг тасаввурлари тадқиқотчилик фаолиятида муайян

натижаларни қўлга киритганларида баркарорлашади. Бу Браёнда ўқувчиларда билиш қизиқишлари ва эҳтиёжлари шаклланади ва улар ўз навбатида бошқа қизиқишлар ва эҳтиёжларни ҳам келтириб чиқаради. Бунинг натижасида уларда мдқиқотчилик фаолияти учун зарур бўлган кўникмалар шаклланади. Ўқувчиларнинг илмий ҳодисалар ва ахборотларни урганиш натижасида вужудга келган билиш фаоллиги уларнинг жисмоний ва фикрий юкламаларини пасайтиради, ўқув материаллари мазмунини тушунишларини енгиллаштиради. Гунчиларнинг билиш фаолликларини ривожлантириш учун [парга ҳардоим янги топшириқлар берилади.

Тадқиқотчиликка оид бундай топширикларни бажариш ымарадорлиги юқори бўлганлиги кузатилди. Дарсда ва дарсдан ташқари ташкил этиладиган тўғарак машғулотларида ўқувчилар ВЛдига тадқиқотчиликка оид вазифалар қўйиш натижасида улар /п.1|)ини олимлар сифатида ҳис этадилар. Улар ўзларини ....ипилклар очишга қодир деб биладилар.

Ўқувчилар тадқиқотчилик жараёнида янги билимларни му. гақил тарзда эгаллар эканлар, уларнинг табиийлиги ва илонийлигига ишонадилар. Бундай билимлар ўқувчиларнинг ....ида мавжуд бўлган илмий ахборотлар билан мантиқий И 1-,идан узвий алоқадорликка эга бўлади. Бу эса уларни янгидан-ЦПИ тадқиқотчилик ҳаракатига йўналтиради. Уларнинг назарий пинимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларни идрок этиш дирмжалари жадал ва уларнинг мазмун-моҳиятини тушунишлари мешиний асосга эга бўлади. Улар маҳсулдор кўникмаларга эга 'ум.|дилар. Ўқувчиларнинг билиш фаолликларига алоҳида 11.11 и юр билан ёндашадилар.

Иккинчи босқичда қисман изланиш характерига эга бўлган | |Д|,иқотчилик вазияти вужудга келтирилади. Ўқувчилар ,щ.ннгирган янги илмий ахборотлари ёрдамида тадқиқотчилик |....ииги намуналарини ўрганадилар. Бу жараёнда ўқитувчилар <<11.1НИШ йўналишларини аниқ тасаввур қиладилар, лекин ,м,|1|имг натижаларини башорат кила олмайдилар. Улар ,'упчилар олдига мустақил ечиш учун бир ёки бир неча муниммолар қўядилар.

Мазкур босқичда қўйидаги вазифаларни ечиш талаб этилади: 'иимларни ўзлаштиришда тадрижийлик тамойилига амал қилиш; . •/ичипарнинг мустақилларни ва фаолликларини .....жпантириш; билимларни ўэлаштиришга нисбатан ички

интилишни вужудга келтириш; ўқувчиларни амалий фаолиятга қизиқтириш.

Мазкур вазиятларни вужудга келтирувчи асос укувчиларнинг тадқиқотчилик ҳэракатлариидир. Мазкур жараёнда улардан ўқув материаллари мазмуни устида ижодий ишлаш талаб этилади Бунинг натижасида ўқувчиларда ўзларининг шахсий фаолиятлари устида ижодий фикрлаш кўникмаси вужудга келади. Ўқувчилар жавоблардан фойдаланган ҳолда саволлар қўйиш кўникмасига эга бўладилар. Ўқувчиларда ўз фаолиятларига нисбатан қизиқишиларини ривожлантириш натижасида уларда қисман изланиш кўникмалари вужудга келади. Бу жараёнда ўқувчиларнинг ўзаро бир-бирлари билан турли олимларнинг тадқиқотчилик тажрибалари ҳақида мулоқот қилишлари муҳим аҳамиятга эга. Турли даврда айни бир масала устида тадқиқотлар олиб борган олимларнинг иш усусларини қиёсий ўрганиш натижасида ўқувчилар тадқиқотчилик методларини ўзлаштирадилар. Ўзаро мулоқот жараёнда ўқувчилар ўзлари танлаб олган олимнинг тадқиқот ишларини амалга ошириш йўллари ва методларини муҳокама қиласдилар. Улар шу тариқа тадқиқотнинг мантиқий асослари, унинг мағзи, муваффақият ва муваффақиятсизликларининг сабабларини батафсил муҳокама қиласдилар, мазкур тажрибаларни ўз тадқиқотчилик фаолиятларида қўллайдилар. Ушбу жараёнда улар ўз хатоларини топиш ва фикрларини химоя қилишга ўрганадилар. Улар синдошларининг фикрларини тоқат билан тинглаш кўникмасини ҳам эгаллайдилар. Ўқитувчилар дарсларда ҳамдэ дарсдан ташқари факультатив соатлар ва тўгарак машғулотларида тез-тез баҳс-мунозаралар ва дебатларни ташкил этишлари мақсадга мувофиқдир.

Бу жараёнда ўқувчилар назарий билимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларга муайян танлов асосида ёндашадилар. Улар тадқиқотнинг бориши учун аҳамиятили ва аҳамиятсиз бўлган илмий ҳодисаларни ҳам аниқлаб оладилар. Ўқувчилар моҳиятини англаб етган илмий далилларни ўзлари ва ўртоқпарининг нуқтаи назарлари билан қиёслайдилар. Бунда ўқувчилар назарий билимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларнинг ижтимоий аҳамиятига баҳо бера бошлайдилар. Ўқувчилар ўз фаолиятлари давомида қўллаган тажрибалардан тадқиқотлари ва хатти-ҳаракатларида унумли фойдаланадилар.

Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини тўғри ташкил этиш учун кичик гуруҳларда ишлаш самаралиди. Укувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятлари натижаларини муҳокама қилиш диалог шаклида амалга оширилади. Бу жараёнда ўқувчилар ўзаро ахборот алмашадилар ва тадқиқот натижалари ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашадилар. Шу тариқа улар илмий ҳодисаларнинг моҳиятини англайдилар. Улар келажакда амалга оширилади. Ган изланишларнинг йўналишларини белгипаб оладилар. Бунинг учун ўз фаолият соҳаларини белгилайдилар. Натижада уларда таҳлил қилиш, таснифлаш, умумлаштириш, оммалаштириш кўникмалари шаклланади. Бундай иш тури укувчиларнинг ўқув тадқиқотчилик фаолияти сифатида эътироф этилади.

Улар ўз нуқтаи назарларини асослаш учун бошқа ўқув фанларига оид билимлардан фойдаланишга ҳаракат қиласдилар. Ёу эса ўқувчилар онгида мантиқий боғланишлар ва мантиқий мушоҳадани вужудга келтиради. Укувчиларнинг назарий оилимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларни англаш даражалари кенгайиб, улар эгаллаган назарий билимлар касбий ҳарактер касб эта бошлайди. Улар илмий ҳодисаларга ҳақоний ил умумлашган тарзда баҳо бериш кўникмасини эгаллайдилар.

Учинчи босқич эса изланишга асосланган тадқиқотчилик иазиятидир. Бунда ўқувчилар ноаниқ мазмунга эга бўлган тадқиқотчилик фаолиятини амалга оширадилар. Натижада ўзинчиларда мавжуд бўлган тадқиқотчилик кўникмалари индивидуал тарзда намоён бўлади. Улар илмий ҳодисаларга «,1к,қоний баҳо бериш кўникмасини эгаллайдилар. Улар келажакда му.шян илмий тажрибаларни амалга ошириш учун ўз олдиларига Мақсадлар қўядилар ва шу мақсадга эришиш йўлида ҳаракат Ўзинчилар. Мазкур босқичда ўқитувчи илмий тадқиқотни амалга вўшириш методларини яхши билади, бироқ ўқувчилар билан бир цаторда у ҳам изланишларни амалга ошириш йўллари ва натижаларидан бехабар бўлади. Мазкур жараёнда м.чмффақиятга эришиш учун ўқитувчи укувчиларнинг ички 1,0\*1 иларини фаоллаштириши керак.

Босқич якунида ўқувчилар ўз фаолиятлари натижаларининг ....рри баҳоланишига даъвогарлик қиласдилар. Бунинг учун уларда цучли интилиш вужудга келади. Улар ўз ҳаракатларининг му-умлигини исботлашга урунадилар, тадқиқотлари окаларини амалиётга тўлиқ қўлланилишини истайдилар.

Мазкур босқич олдига қуидаги вазифалар қўйилади: ўқувчиларнинг узлаштирган билимларга ижтимоий йўналиш бериш; билимларни ўзлаштиришда тадрижийлик тамойилига амал қилиш; укувчиларнинг мустақиллиги ва фаоллигини ошириш; билимларни ўзлаштириш ва улар устида фикрлашни амалга ошириш учун ўқувчиларда ички интилишни вужудга келтириш; ўзлаштирилган билимларни укувчиларнинг амалий фаолиятларига татбиқ этиш кабилар.

Бундай вазифаларнинг барчаси синовлар ва мулокотлар жараёнида амалга оширилади. Ўқувчилар мунозаралар, дебатлар, очиқ мунозаралар жараёнида ўзаро фикр алмашадилар. Бунда ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларига шахсан иштирок этишлари таъминланади. Укувчиларнинг ўзлаштирилган билимларини ижтимоий жиҳатдан йўналтириш, ўқув жараёнида билимлар, кўникмалар ва малакаларни эгаллаш ҳамда тадқиқотчилик, изланувчанлик лаёқатларни ривожлантириш имконини беради. Бу жараёнда ўқувчилар илмий муаммоларни очиш, уларни идрок этиш, илмий ҳодисаларни таҳлил қилиш ҳамда олинган натижаларга танқидий ёндашиш кўникмаларини эгаллайдилар.

Шу тариқа ўқувчиларда янги мазмундаги фаолият шаклланади. Укувчиларнинг онгига илмий ҳодисалар ва ахборотлар мустаҳкам ўрнашади. Улар нуктаи назарларини мантиқий жиҳатдан тўла ишонч билан асослашга ўрганадилар. Уларнинг илмий дунёкарашлари барқарорлашади, чунки ўқувчилар томонидан мустақил ўзлаштирилган билимлар ижтимоий жиҳатдан йўналтирилади. Бунда ўқувчиларда жамоавий тақсимотга асосланган ўқув-билув жараёни ташкил этилади. Бу эса укувчиларнинг ҳамкорликда тадқиқотлар ўтказишлари учун қулагай шароит яратади. Бу укувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини бир қолипдаги шаблонлар асосида ташкил этишга барҳам беради. Бундай ўқув-билув жараёнлари очиқ характерга эга бўлиб, унда тамоман янгича натижалар кўпга киритилади. Гарчан, бундай натижалар фанда аён бўлсада, ўқувчилар нуктаи назарида янги ва бетакрордир. Улар ўзлари қўлга киритган натижаларнинг янгилиги ва ҳаққонийлигини асослаш учун ўз нуктаи назарлари билан синфдошларининг қарашларини ўзаро қиёслайдилар. Улар ўзларининг алоҳида мақсадларини ўз гурухларида укувчиларнинг мақсадлари билан солиширадилар

Ноқулайлик вужудга келмаслиги учун ўқувчилар ўз қарорларини синфдошларининг қарорларига қарши қўймайдилар. Агар бундай йўл тутишга зарурият сезсалар, улар илмий мунозара ва диалог меъёрларига амал қилган ҳолда ўз нуктаи назарларини ҳимоя қилишга киришадилар.

Илмий тадқиқотчилик тўртинчи босқичида ўрганилган илмий далилларга нисбатан ўқувчиларда субъектив муносабат шакллантирилади. Ўқувчилар ўзаро қарама-қарши бўлган илмий муаммоларга мустақил ёндашган ҳолда уларнинг ечимини излайдилар. Бу эса ўқув-билув жараёни ва дарсдан ташқари вазиятларда ўзаро қарама-қарши ҳолатлар, илмий нуктаи назарларнинг вужудга келишини таъминлайди. Бу жараёнда ўқувчининг тадқиқотчилик фаолиятига қанчалик тайёрлигини унинг ўзи аниқлайди. Улар тадқиқот муаммоларини мустақил тарзда белгилаб оладилар. Улар ўз тадқиқотчилик фаолиятилари олдига майян мақсадлар кўядилар ва унга эришиш йўлларини мустақил танлайдилар. Мазкур жараён олдига қуидаги вазифалар Кўйилади: ўқувчиларда ўз нуктаи назарларини илмий жиҳатдан тўла асослаш кўникмасини ҳссил қилиш; ўзлари баён қилган барча холосаларининг мантиқий жиҳатдан асосланганлиги ва |иддиятларга эга эмаслигига уларни ишонтириш кабилар.

Укувчиларнинг онгига илмий ҳодисалар яхлит тарзда акс :нади. Уларнинг илмий дунёкарашлари ўзига хос ва ёрқиндир. Улар янги узлаштирган билимлари билан мавжуд билимларни муваффақиятли ўйғунлаштира оладилар. Бундай ўқувчилар ўз фаолиятларига нисбатан барқарор қизиқишига эгадирлар. Улар тадқиқотларни амалга ошириш жараёнида ижодий ҳамда интеллектуал кўникмалардан унумли фойдалана оладилар. 1.ундай ижодий интеллектуал фаоллик натижасида укувчиларнинг **Рилиш** эҳтиёжлари қондирилади.

Ўқувчиларда барқарор илмий дунёкарашнинг шаклланиши укув вазиятлари ривожланишининг биринчи босқичидаёқ яққол намоён бўлади. Бу жараёнда ўқувчилар катта қизиқиши билан У имри учун мутлақо янги бўлган назарий билимлар, илмий (ушунчалар ва ахборотларни ўзлаштиришга киришадилар. | 1хирги, якунловчи босқичда эса ўқувчилар тадқиқотчилик фшлиятига тайёрликларини мантиқий асосларга таянган ҳолда иққол намоён қиладилар.

Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил этишда Вр қатор қийинчиликлар кузатилди. Мазкур қийинчиликларни

бартараф этиш жараёнида ўқувчиларнинг илмий дунёқарашлари барқарорлашди. Ушбу қийинчиликлар қўйидагилардан иборат:

- интеллектуал характердаги қийинчиликлар;
- тажрибага оид қийинчиликлар;
- техник характердаги қийинчиликлар;
- намойиш қилишга оид қийинчиликлар;
- шахслараро қийинчиликлар.

Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятлари уларнинг мустақил бажарадиган фаолиятлари ҳисобланади. Бу жараён ўқитувчи томонидан бошқарилади. У қийинчиликларни бартараф этишда ўқувчиларга кўмаклашади ва фаолият натижаларини башорат қиласди. Шу орқали ўқув жараёнида ўқитувчи укувчиларнинг илмий дунёқарашларини барқарорлаштиради. Муайян вазифалар ва методик уоулларни аниклашда ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда уларни педагогик жиҳатдан қўллаб-куватлайди, муваффақиятларини таҳлил қиласди, қийинчиликаларни бартараф этиш йўлларини кўрсатади ва камчиликлар, йўл қўйилган хатоларни излаб топишга ундайди. Ўқувчиларни ўз муаммоларини ва камчиликларини англаб этишга ўргатади.

Бунинг учун ўқувчиларда изланувчанлик фаоллигини таркиб топтиради. Натижада уларнинг мустақил қарорлар қабул қилишгэ тайёрлик даражалари ортади. Ўқувчилар тадқиқотчилик фаолиятининг умумий йўналишларини эгаллаб оладилар. Уларда мустақиллик, масъулиятилик, мулоқотга киришувчанлик, фаоллик, мақсадга интилувчанлик, ишchanлик, қийинчиликлардан қўрқмаслик, тадбиркорлик каби сифатлар таркиб топади.

Ўқувчилар туғиладиган муаммолар ва қийинчиликларга турлича ёндашадилар. Бир гурух ўқувчилар унинг ташки сабабларини излайдилар. Масалан, ота-оналарининг ҳеч қандай асосланмаган талаблари, ўқитувчининг уларга нисбатан объектив муносабатда эмаслиги, топшириқларнинг уларнинг кучлари ва имкониятларига мое келмаслиги, синдошларининг уларга нисбатан кескин муносабатлари кабиларни рўкач қиласдилар. Бундай нуқтаи назар натижасида ўқувчилар жахлдор, ёпни, бўладилар. Уларнинг тасавурлари ноаниқ ҳэрakterга эга бўлиб, мен буни уddyалай олмайман, мен буни бажара олмайман, тарзида ҳаракат қилишга ўрганадилар. Бунинг натижасида улар ўм кучларига ишонмайдилар ва вужудга келган муаммоларни ҳал қилишда фаоллик кўрсата олмайдилар.

Бошқа бир гурух ўқувчилар эса вужудга келган қийинчиликларни ўзлари, билимларининг саёзлиги, ҳарактерлари, хулқ-атворлари ва юриш-туришларидан излайдилар. Бундай ўқувчилар ўз муаммоларини ўзлари ҳал қилиш, жуда мураккаб вазиятларда эса ўқитувчилари, ота-оналари, синдошларидан кўмак олишга ҳаракат қиласдилар.

Илмий дунёқарашлари етарли даражада шаклланмаган ўқувчилар эса қийинчиликларни бартараф этишга фаол ҳаракат қиласдилар, уларда ўз-ўзини баҳолаш даражаси кескин пасайиб боради. Улар қўпинча ўзларидан норози бўладилар. Бундай шароитларда уларда ўзларининг имкониятларини билиш даражалари ижобий тарзда ривожланмайди, улар энг зарур вазиятларда ўз нуқтаи назарларини химоя қила олмайдилар.

Ўқитувчи ўқув-билув жараёнида ўқувчиларнинг ўзига хос тадқиқотчилик усуулларини қўллаб-куватлаши ва мунтазам ҳимоя қилиши лозим. Бунинг учун улар фаолиятида вужудга келадиган қийинчиликлар ва уларнинг ҳосил бўлиш сабабларини билиши зарур. Шундагина ўқитувчи қайси ўқувчига қандай қийинчиликтни бартараф этишга кўмаклашиши лозимлигини аниқ билиб олади. 1-унинг учун у ҳар бир ўқувчининг дикқат-эътибори, хотираси, идроки, тафаккури, ўз интилишларини охирига етказа олишлари, у 1 узини назорат қилиш кўнилмаларининг қай даражада I пложланганлигини яхши билиши талаб этилади.

Ўқувчиларнинг аксариятига хос бўлган қийинчиликларни таҳлил қила туриб, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бартараф пишга йўналтирилган педагогик қўллаб-куватлаш имкониятлари «,|«идә фикр юритамиз. Ўқувчилар дуч келадиган интеллектуал ниинчиликлар, уларнинг назарий билимлар, илмий тушунчалар и.1 ахборотларни тўла ўзлаштирганликлари ва аниқ идрок эта "нмасликлари натижасида вужудга келади. Бундай ҳолатнинг ружудга келишига асосий сабаб, ўқувчиларнинг турли ўқув • |-1нпарига оид билимларининг мазмун-моҳияти ва ўзига хос 1иҳиатларини англаб етмаганликлари дадир. Шунинг учун ҳам улар тдқиқотнинг бошланиши, давом этиш изчилигини тасаввур эта олмайдилар.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини нира оширишлари давомида улар дуч келадиган "чшичиликларни бартараф этиш учун узлуксиз маслаҳат мшодидан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Ўқувчиларга ўз "мшиятларидан юқори бўлган интеллектуал топшириқлар

берилганда, улар салбий натижаларни қўлга киритадилар. Чунки бу жараёнда вужудга келадиган қийинчиликларни бартараф этишга улар қодир бўлмайдилар. Бунинг учун уларга мухим бўлган маслаҳатлар бериш лозим. Бу уларга ўзлари дуч келган қийинчиликларнинг сабабини билиш ва уларни бартараф этиш ўйларини ўзаро муҳокама қилиш имконини беради.

Ўқувчилар дуч келадиган қийинчиликларни бартараф этишнинг самарали йўлларидан бири, тадқиқотни амалга ошириш жараёнида улар билан тез-тез савол-жавоблар ўтказиб туришдир. Бунда ўқувчилар тадқиқот иши билан боғлиқ мухим муаммони шакллантира олишлари, ўз фаразларини илгари суришлари, ўз синфдошлари томонидан илгари сурилган фаразларнинг ижобий ҳамда салбий жиҳатларини баҳолай олишлари, ўз кузатишларини ёзма тарзда баён этишлари, ўзлари ўтказаётган тажрибаларнинг вазифалари ва тадқиқот фаразининг мутаносиблигини асослаб бера олишлари, самарали натижага эришишнинг муқобил йўлларини билишлари лозим.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, ўқувчилар илгари сурган фаразлар тадқиқотчилик фаолиятларининг самарали амалга ошишини тъминлайди. Улар ҳар бир фаразни таҳлил қилиш натижасида амалга ошириладиган тадқиқотнинг асосий мағзини аниқлашга муваффақ бўладилар. Улар ўз фаолиятларига танқидий ёндашган ҳолда изланиш йўлларини белгилаб оладилар. Уларнинг назарий билимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларни идрок этиш кўнгилмалари мустаҳкамланади ва кўпроқ мантиқий асосга эга бўлади. Улар илмий ахборотларни ҳаққоний тарзда идрок эта бошлайдилар. Бунинг натижасида уларнинг назарий билимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларни идрок этиш даражалари яхлит тарзда намоён бўла бошлайди.

Интеллектуал ҳамда тажриба-синовга оид қийинчиликлар, асосан, илмий дунёқараши амалий тажрибасига асосланган ўқувчилар фаолиятида учрайди.

Бу тоифадаги укувчиларнинг назарий билимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларнинг моҳиятига берган баҳолари ҳаққоний, онгли, қиёслаш натижаларига асосланганлиги билан ажralиб туради. Улар ўз тажрибалари натижаларини синфдошлари тажрибаларининг натижалари билан киёслай оладилар.

Бироқ, бундай ўқувчилар жуда катта аҳамиятга эга бўлмаган ўзгаришларни зудлик билан пайқай олмайдилар. Шунинг учун ҳам

уларни тажрибалар жараёнида кичик гурухларга бирлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу педагогик жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, агар гуруҳдаги бирорта ўқувчи бу ўзгаришни пайқамай қолса, бошқалари ўз вактида уни аниқлаб қайд этадилар. Бу эса илмий ҳодисаларни ҳамкорлик асосида идрок этиш муҳитини вужудга келтиради.

Ўқувчиларнинг илмий дунёқарашларини шакллантиришда гурухли ишлаш ва мазкур жараёнида ўқувчиларни педагогик қўллаб-қувватлаш мухим дидактик аҳамиятга эга. Ўқувчилар ўз илмий дунёқарашларини бойитища ўқитувчиларнинг маслаҳатлари билан бир қаторда, қўшимча илмий, илмий-оммабоп адабиётлар, интернет материаллари, газета-журналлар саҳифаларидаги илмий янгиликларга ҳам узлуксиз тарзда мурожаат қилишлари керак.

Ўқувчиларнинг назарий билимларига асосланган ҳолда уларнинг илмий дунёқарашларини шакллантиришга йўналтирилган ўқув-билув жараёнида уларнинг тадқиқотчилик фаолиятлари давомида бир қатор техник қийинчиликлар вужудга келади. Бундай укувчиларнинг назарий билимлар, илмий тушунчалар ва ахборотлар моҳиятини тушунишларида учрайдиган ҳолатлардан бири - улар ўзлари узлаштирган барча билимларни тўлиқ идрок эта олмаганларни ҳамда ижодий фаолиятлари давомида улардан фойдалана олмасликлари дадир.

Ўз фаолиятлари натижаларини намоён қилишга оид қийинчиликлар ўқувчиларда, асосан, дарсдан ташқари вазиятларда вужудга келади. Улар назарий билимларнинг аҳамиятини тўлиқ хис эта олмайдилар. Чунки илмий тушунчалар Да ахборотлар уларнинг онгини тўлиқ забт этмаган бўлади. Натижада бундай ўқувчилар икки хил, ўзаро зиддиятили илмий дунёқарашга эга бўладилар. Намойиш этишга оид қийинчиликлар уларнинг тадқиқотчилик фаолиятлари якунида кўринади. Чунки бу жараёнда ўқувчи ўзи бажарган тадқиқот натижаси, уни амалга пирига олганлиги, ўз фаразини исботлаганлигидан қониқиш ҳосил қиласди. Улар ўз олдиларига нима учун мен бу ишни амалга оширдим, деган саволни қўядилар ва унга жавоб излайдилар. Бу саволга жавоб топиш учун улар қўшимча илмий манбалар, илмий хборотлар, интернет ва газета-журналлар саҳифаларидаги материалларга мурожаат қиласди.

Аксарият ҳолларда уларга буюк мутафаккирлар ва олимларнинг иш тажрибалари, ижод маҳсуллари ёрдам беради.

Илмий дунёқарашларини шакллантириш жараёнида ўқувчиларни педагогик құллаб-қувватлаш қуидагиларда намоён бўлади: сухбатлар жараёнида ўқувчиларнинг илмий муаммоларга ёндашувларини құллаб-қувватлаш; улар билан илмий ҳамкорлик қилиш; укувчиларнинг келажақда әгаллайдиган соҳалари юзасидан тўғри танловни амалга оширишларига кўмаклашиш; улар кўтариб чиқсан ғояларни маъқуллаш, таҳлил қилиш, нотўғри жиҳатларини асослаб кўрсатиш; ўқувчилар. томонидан амалга оширилган кичик илмий кашфиётларнинг ижтимоий аҳамиятини асослашларида уларга кўмаклашиш; ўқувчиларга ўз қарорлари ва қабул қилган ечимларини асослашлари учун қулай шароит ва имкониятлар яратиш; ўқувчилар орасида вужудга келган зиддиятларни оқилона бартараф этиш кабилар.

Тадқиқотчилик фаолиятининг барча босқичларида ўқувчилар орасида қийинчиликлар вужудга келиши мумкин. Чунки бу жараёnda субъект-субъект муносабатлари амал қиласди. Мазкур муносабатлар давомида ўқувчилар мулоқотга кириша олмасликлари, бошқаларнинг фикрларига оғиб кетишлари, синфдошларининг нуқтаи назарларини қабул қилишга тайёр бўлишлари мумкин.

Бундай ўқувчилар бир гурӯхга жамланган тақдирда улар орасида вазифаларни тақсимлаш имконсиз бўлади. Чунки улардан ҳар бири мен гурӯхнинг муваффақиятини таъминлайман, деган фикрда қатъий туради. Уларнинг ҳар бири ўз гурӯхларидаги ўқувчилар ва ўқитувчиларга нисбатан ўзларини қарама-қарши мавқеда ҳис қиласдилар.

Бундай шароитда ўқувчилар ва ўқувчилар, ўқувчилар ҳамда ўқитувчи орасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали мазкур жараённи педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мумкин. Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил этиш ва ўтказишда ўқитувчилар алоҳида куч сарфлашлари лозим. Чунки улар укувчиларнинг илмий дунёқарашларини таҳлил қилган ҳолда уларнинг эътиборлари ва имкониятлари нимага қаратилганлигини яхши билишлари керак. Ўқитувчи томонидан укувчиларнинг қўллаб-қувватланиши уларнинг мунтазам ривожланишларини таъминлайди. Ўқувчилар интеллектуал жиҳатдан ривожланган сари, уларнинг илмий дунёқарашлари ҳам бойиб, такомиллашиб боради. Бу жараёnda ўқувчилар ҳамда ўқитувчилар бир бирларининг фаолиятларига ўзаро қадриятли муносабатда бўладилар. Бу уларнинг ҳамкорликдаги илмий фаолиятлари,

ўзаро илиқ муносабатлари, ўқитувчиларнинг ўқувчиларни қўллаб-қувватлаши, ҳамкорликда фаолият кўрсатишга тайёрликлари, ҳамкорлик кўнікмаларининг ривожланганлиги ва ўқувчилар илмий дунёқарашларининг шаклланганлигига яққол намоён бўлади.

Ўқувчиларнинг илмий дунёқарашларини шакллантириш жараёнида ўқитувчи фаолиятига бир қатор талаблар қўйилади. Мазкур талабларнинг бажарилиши натижасида ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятлари самарали ривожланади.

Ўқувчиларнинг илмий дунёқарашларини муваффақиятли шакллантириш учун мазкур жараённинг ташкилий асослари ва тамойилларини аниқлаш мухим дидактик аҳамиятга эга. Мазкур жараённинг ташкилий асослари ўқувчиларда тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил этиш асосида уларнинг илмий дунёқарашларини шакллантиришнинг назарий йўналишларига ўз ифодасини топади. Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил этиш ўзига хос дидактик жараён сифатида намоён бўларкан, биз мазкур жараённинг тамойилларини аниқлашга ҳам алоҳида эътибор қаратдик. Бу ўз навбатида ўқитувчиларга мазкур жараённи мақсадга йўналтирилган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш имконини беради. Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил этишда ўқитувчи ҳамда ўқувчилар орасида ўзаро ҳамкорлик вужудга келади. Бундай ҳамкорлик улар орасидаги ўзаро ишонч, қатъийлик, умумий нуктаи назарларга асосланган бўлиб, ўқув жараёни субъектларининг хулқ-атвор меъёрларини белгилайди.

Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиириуни меъёрлаштирган ҳолда шакллантириш мақсадга мумофиқд1у Шундагина уларда илмий дунёқараш жадал тарзда шаклл.омди. Ўқитувчи ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини ышкиль этиувчи ҳамда бошқарувчи асосий субъект сифатид.1 иммоон бўлиши лозим. Унинг фаолияти марказида ўқувчиларниш инмий дунёқарашларини муайян қонуниятларга асосланган ҳолда шакллантириш туради. Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил этиш жараёнига ўқитувчининг технологик жиҳатдан ёндашиши мухимдир. Ўқитувчи жараённи ташкил этиш иуллари ва ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил ниш ҳамда лойиҳалаштиришнинг асосий вазифаларини билиши керак.

Укувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятлари уларнинг илмий дунёқарашларини шакллантиришга педагогик қувватларини

йўналтириш имконияти сифатида қуидаги тамойилларга таянилган ҳолда ташкил этилиши керак: тушунарлилик, табийлик, чуқур ўйланганлик, мустақил фаолиятга асосланганлик, синалганлик, маданиятга асосланганлик кабилар.

Бу ўринда амал қилинадиган энг асосий тамойил тадқиқотчиликнинг ўқувчилар мустақил фаолиятига асосланганлигидадир. Ўқувчилар тадқиқотнинг амалга оширилиши жараёнини унда шахсан иштирок этганларида гина идрок эта оладилар. Бунинг учун ўқувчи бу жараённи тўлиқ ўтиши мазкур фаолиятга оид тажрибага эга бўлиши лозим. Ўқувчилар тадқиқотга киришиш жараёнида мустақил фаолият тажрибасига эга бўлишлари зарур.

Агар ўқитувчи ўз иш режасида ўқувчиларга тадқиқотчилик фаолиятининг шакллари, методлари, усуслари, тамойиллари, йўлларини ўргатишини мақсад қилиб қўйган бўлса, ўқувчиларга илмий характердаги топшириқлар бериб, уларнинг ўз тадқиқотчилик фаолиятларини рўэбга чиқаришларига шароит яратиб беришлари керак.

Ҳар бир мавзуни ўргатиш жараёнида ўқув фани ўқитувчилари ўқувчиларни тадқиқотчилик фаолиятига жалб этишлари лозим. Бунинг натижасида ўқувчилар тадқиқотчилик фаолияти кўникмаларини эгаллай бошлайдилар ва уларда муайян илмий дунёқараш шаклланади. Жумладан, математик дунёқараш. лингвистик дунёқараш, тарихий дунёқараш, диний дунёқараш каби.

Бунинг натижасида ўқувчиларда ўзлари танлаган ўқув предмети доирасида тадқиқотчилик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилади. Ўқувчилар мазкур жараёнда ўз фаолиятлари натижаларини чуқур таҳлил қилиш кўникмасини эгаллайдилар. Ўқувчиларнинг эришган натижалари уларда ижодий фикрлаш, ижодий режаларининг туғилишини таъминлайди. Ўқитувчилари ва синфдошлари билан мулоқот жараёнида уларнинг мазкур режалари ойдинлашади ва такомиллашади. Уларнинг ўқув фаолиятлари эса изчил характерга эга бўлиб, муайян майлларга асосланган ҳолда ривожланади. Ўқувчиларнинг бундай мустақил фаолиятлари уларда ҳамкорликда ишлаш, ўз нуктаи назарларини қатъийлик билан ҳимоя қилиш кўникмаларини шакллантиради. Бунинг натижасида ўқувчилар илмий ҳодисаларни аник баҳолаш ва

уларнинг ижтимоий аҳамиятини англаш имкониятига эга бўладилар.

Ўз тадқиқотлари натижасини синааб кўриш давомида улар ҳар доим ўқитувчиларининг маслаҳати ва кўмагига муҳтоҷ бўладилар.

Агар ўқувчилар берилган топшириқларни бажара олмасалар, уларда машғулотларга нисбатан қизиқиш йўқолади. Бу ўринда тадқиқотчилик мазкур ўқувчилар учун фаолият сифатидаги қимматини йўқотади. Улар ҳамкорликдаги тадқиқотчилик фаолиятининг субъектига айлана олмайдилар. Ўзларининг мустақил фаолиятлари натижасида ўқувчилар илмий ҳодисалар ва ахборотларнинг мазмун-моҳиятини билишга муваффақ бўладилар. Бу эса уларга муайян ўқув предметларига оид бўлган назарий билимлар, илмий ахборотларни алоҳида танлаб олган ҳолда ўзлаштириш имконини беради. Улар илмий тушунчалар ва ахборотлардан ўз фаолиятларида самарали фойдаланиш кўникмаларини ўзлаштирадилар. Бу ўринда укувчиларнинг нуктаи назарлари чуқур англанган ва ўйланган фаолият маҳсулни сифатида намоён бўлади. Бу эса уларнинг илмий дунёкарошларини ифодалайди.

Агар ўқувчиларда тадқиқотчилик фаолиятига нисбатан эҳтиёж вужудга келтирилса, улар кутилган самарадорликка эришиш имкониятига эга бўладилар. Бунинг учун ўқувчилар олдиға уларнинг имкониятлари ва эҳтиёжларига мое келадиган ўқув топшириқларини қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Шундагина ўқувчи тадқиқотчилик фаолиятини амалга ошириш учун ўзида рағбат ва куч топа олади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини йўлга қўйиш учун уларга тушунарли, бажаришга кучлари етадиган топширикларни танлаши лозим.. Мазкур топшириқлар имкон қадар ўқув дастуридаги мавзуулар доирасида бўлишига эришиш талаб этилади. Айрим ўқитувчилар укувчиларнинг интеллектуал тараққиётларини жадаллаштириш мақсадида уларга турли мураккабликдаги топшириқларни берадилар. Ўқувчилар мазкур топширикларни бажаришга ўзларида куч тополмаган тақдирда тадқиқотчилик фаолиятларини тўхтатадилар, ундан безадилар.

Ўқувчиларни тадқиқотчилик фаолиятига ўргатиша йўналтирилган машғулотлар дарсликлардаги ўқув материаллари ва уларга қўшимча тарзда ўқитувчилар томонидан тақдим этиладиган илмий ахборотлар асосида ташкил этилиши лозим. Бунда укувчиларнинг ўқув дастури доирасида узлаштирган

назарий билимлари, ёш хусусиятлари ва интеллектуал ривожланиш даражалари аниқ ҳисобга олиниши керак. Давлат Таълим Стандартларида кўзда тутилмаган, муайя синф ўқув дастурига киритилмаган мавзулар доирасида ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил этиш мумкин эмас. Мураккаблик даражаси юқори бўлган топшириклар асосида айрим, ўта қобилиятли ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларинигина ташкил этиш мумкин. Бунда ўқитувчининг ҳамкорлиги ниҳоятда зарурдир. Баъзи ҳолатларда бир ёки бир неча ўқувчи учун мураккаб бўлган топшириклар, бошқалари учун осон бўлиши мумкин. Бунда ўқитувчи ўта ҳушёрлик кўрсатиб интеллектуал даражалари бир-бирларига яқин бўлган ўқувчиларни алоҳида-алоҳида кичик гурухларга ажратган ҳолда уларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил этиши лозим.

Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини самарали ташкил этишда укувчиларнинг ўзларига тадқиқот мавзусини танлаш имконини бериш ҳам муҳим дидактик аҳамиятга эга. Агар ўқувчи муайян мавзуга оид назарий билимларга етарли эга бўлмаса, у ўзи учун тадқиқот мавзусини танлай олмайди ва танлашга интилмайди ҳам. Чунки бундай ўқувчиларни илмий ҳодисалар устида фикрлаш мутлақо қизиқтирамайди. Баъзи ўқувчилар фаолият натижаларини тасаввур қилмаган ҳолда тадқиқ қилиш учун мураккаб мавзуларни танлайдилар. Бундай шароитда улар тадқиқотни амалга оширолмай ўзлари бошлаган ишни ярим йўлда қолдириб кетадилар. Мазкур ҳолатларда ўқитувчилар ўз ўқувчиларнинг интеллектуал қувватлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уларни йўналтириши, ззрур маслаҳатлар бериши ва ўз имкониятлари доирасида мавзу танлашларига кўмаклашиши лозим. Бу ўз навбатида мазкур ўқувчиларнинг илмий дунёқарашларининг барқарор шаклланмаганилигидан далолат беради. Топшириқларни бажариш ва ўзлари бошлаган тадқиқотларини охирига етказиш натижасида ўқувчиларда ўз ютуқларидан қониқиш ҳисси таркиб топади ва улар янги тадқиқотларни бошлаш учун ўзларида куч топа оладилар. Бу эса укувчиларнинг ўз тадқиқотларини мустақил тарзда, қунт билан бажарганликларидан далолат беради.

Укувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил этишда ўқитувчининг табиийлик тамойилига амал қилиши муҳим ўрин эгаллайди. Ўқитувчи ўз ўқувчилари олдига қўядиган илмий муаммоларни тасодифан ўйпаб топиши эмас, балки ДТС, ўқув

дастурлари ва дарсликларга таянган, ўқувчиларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда табиий тарзда шакллантириши лозим.

Ўқувчиларнинг илмий тадқиқотчиликка бўлган қизиқишлиари эса табиий характерга эга бўлиши керак. Шундагина ўқувчилар тадқиқотчилик фаолиятига астойдил киришилари мумкин. Агар ўқувчи муаммонинг асл моҳиятини кўра олса, унинг ечимларини ўқитувчилар ва синфдошларининг кўмагисиз тасаввур қиласагина тадқиқотчилик фаолиятини муваффақиятли амалга ошира олади. Агар тадқиқотчилик фаолияти ўқувчиларнинг муайян мақсадларига эришиларини таъминласа, шундагина мазкур фаолият уларда катта қизиқиш уйғотади. Бундай муаммолар укувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини жадаллаштиради. Табиий равишда туғилган муаммоларнинг ечими ўқувчилар онгидаги кўшимча мантиқий боғланишларнинг вужудга келишини таъминлайди.

Тилларни чуқур ўрганиш мақсадида академик лицейларда ўқиши давом эттириш истагида бўлган ўқувчилар тилшуносликка оид назарий билимларни ўрганиш, тил ҳодисаларини чуқур таҳлил этишга ҳаракат қиласадилар.

Биз ўқувчилардан ўзи танлаган соҳалари ҳақидаги фикрларини баён қилишни сўрадик. Улар ўз жавобларида ўрганишга киришган соҳаларининг ижтимоий ҳаёт ва фан учун муҳим жиҳатларига тўхталиб ўтдилар. Ҳаёт билан фан орасидаги алоқадорликни тўғри англаганликлари туфайли ўқувчилар фаолиятларини аниқ тавсифлаб беришга муваффақ бўлдилар. Улар ўқув-билув жараёни якунидаги ўз тадқиқотларининг муҳим аҳамиятга эга бўлган қирраларини очиб беришга ҳэракат қиласадилар. Улар баён қилган фикрларига таянган ҳолда ўз фаолиятлари ва танлаган соҳаларининг аҳамиятини очиб бера олдилар. Уларнинг назарий билимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларни идрок этиш, уларнинг моҳиятини тушуниш кўнинмалари самарали ривожланганлиги аён бўлди. Илмий ҳодисаларни баҳолаш кўнинмалари эса объектив характер касб этди. Бунинг натижасида уларнинг илмий дунёқарашлари кенгайланлиги ва барқарор характер касб этганлиги аён бўлди. Ҳар қандай тадқиқотчилик фаолияти натижалари тажрибалар орқали асосланиши керак. Тажрибаларнинг натижалари кўргазмалилик характеристига эга бўлади.

Бунда укувчиларнинг тажриба майдонлари ва лабораторияларда амалга оширган ишлари алоҳида аҳамиятга эга. Бундай ўқувчилар илмий ҳодисаларни яхлит тарзда идрок эта оладилар ва уларнинг натижаларини олдиндан кўриш имкониятига эгадирлар. -Улар илмий ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва турли қирраларини ўзаро алоқадорликда идрок этадилар. Бунинг учун ўқувчилар лабораторияларда илмий ҳодисаларни нафақат дарсликлар ёрдамида, балки объектив тарзда кўриб идрок этадилар. Бунинг учун ўқувчилар ўзлари кузатган илмий ҳодисапарни қайд этиб боришлари керак.

Ўқувчилар билан ўтказилган тадқиқотчиликка оид машғулотлар ҳақида улар матнлар, рефератлар ва таассуротларини ёзib боришлари лозим. Бундай машғулотлар мактаб ер участкаларида ишлаш, табиат бурчаклари, музейлар, тарихий обидалар, театрларда ўтказилиши мумкин. Бундай машғулотлар давомида қўлга киритилган натижалар кутилмаган, маҳсус режалаштирилмаган ва табиийлик характеристига эга бўлади.

Бундай кузатишлар жараёнда укувчиларнинг интеллектуал фаолиятлари жадаллашади. Кўпгина ўқувчилар ўз ёзма кузатишлари орқали тадқиқотчилик фаолиятлари ва интеллектуал ҳаракатлари ҳақида ҳисобот характеристидаги илмий аҳборотларни тақдим қилдилар. Ўқувчиларнинг ёзма ишларида узлаштирган назарий билимлари ўз ифодасини топади. Шу билан бир қаторда, уларда ўз фикрларини баён қилиш учун зарур бўлган илмий услубнинг тўла шаклланмаганинги аён бўлди.

Биз ўқувчиларнинг ўз кузатишлари натижаларини баён қилишда илмий услубга қанчалик амал қилганликларини аниқлаш мақсадида, мазкур тажрибаларимизни тажриба-синов ишларининг якунловчи босқичида тақорлашга муваффақ бўлдик ва бир қатор ижобий натижаларни қўлга киритдик. Бундай кузатишлар ҳар бир синфда ўкув йили якуннда ташкил этилди. Чунки ўкув курслари якунланиши баробарида ўқувчилар бир қатор илмий атамалар ва илмий баён услубларини ўзлаштиришга муваффақ бўладилар.

Тажриба-синов ишлари жараёнда биз ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимларнинг муайян мақсадга йўналтирилганлигини ва мустаҳкамлигини аниқлашга муваффақ бўлдик. Биз кузатган 1084 нафар ўқувчилардан - 648 тачаси ўзлари эгаллаган билимларининг қандай мақсадларга хизмат қилиши, шахсий ҳамда ижтимоий аҳамиятини тўғри баён қилишга муваффақ бўлдилар. Ўқувчилар томонидан чиқарилган

холосаларнинг мантиқий асосга эгалиги, улар онгида муайян назарий билимлар ва илмий аҳборотларнинг яхлит тарзда акс этганлигини ифодалайди. Бу эса уларда илмий дунёқарашнинг шаклланганлиги ва барқэрорлигидан далолат беради.

Ҳар қандай ўзлаштирилган билим ўқувчилар томонидан чукур мушоҳада қилиниши ва унинг тадқиқотчилик фаолияти каби бошқа фаолиятлари ҳам худди мана шу илмий мушоҳада заминида амалга оширилиши лозим. Муайян муаммонинг ечими олдига қандай мақсадлар ва вазифалар қўйилган бўлса, ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятлари худди шу мақсадлар ва вазифалар доирасида амалга ошириледи. Тадқиқотчилик фаолиятининг аҳамияти мазкур жараён иштирокчиларининг барчаси учун бир хилда муҳимдир. Бу натижалар укувчиларнинг илмий дунёқарашлари шаклланшига муайян таъсир кўрсатади.

Ўқувчиларга уларни мажбурулаб, муайян босим остида сингдирилган билимлар уларда салбий дунёқарашнинг вужудга келишига асос бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг босими остида амалга ошириладиган анъанавий таълим жараёнда укувчиларнинг илмий дунёқарашларини етарлича самарали шакллантириш имконсиздир. Ўқувчилар қўйилган муаммонинг ўзи, мақсад ва вазифаларини чукур мушоҳада қилган ҳолда уларга мустақил ёндашгандагина уларнинг илмий дунёқарашлари баркарор шаклланади. Бунинг натижасида ўқувчилар тадқиқ килинаётган ҳодисаларнинг алоҳида қисмлари орасидаги алоқадорлик чукур ҳис этадилар. Улар асосий назарий ғояларни шакллантирадилар ва ўз сўзлари билан тушунтириб берадилар. Улар муайян илмий ҳодисаларни тушунтириш учун алоҳида назарий ёндашувларга таянадилар.

Ўқувчиларнинг билимларни мушоҳада қилиш жараёнлари улар томонидан бажариладиган мураккаб ақлий операциялар билан бевосита боғлиқдир. Бу жараёнда улар умумлаштириш, абстракциялаш, қиёслаш, оммалаштириш каби ақпий фаолият турларини бзжарадилар. Билимлар ва кўникмаларни онгли тарзда ўзлаштириш натижасида мантиқий операцияларни амалга оширадилар. Ўқувчилар ўзлари ўзлаштирган билимларни янги вазиятларга кўчириш лаёқатига эга бўладилар.

Тадқиқотчилик жараёнда укувчиларнинг фаолиятлари яхлит характеристега эга бўлади. Уларнинг кўникмалари айни бир ўкув предмети ва турли ўкув предметлари орасидаги алоқадорлик натижасида шаклланади. Ўқувчилар тадқиқотчилик фаолиятини

амалга оширап эканлар муаммоларни ечиш учун ўзлаштирган билимларини ностандарт вазиятларда ҳам қўллай оладилар. Улар илмий ахборотларни мустақил тарзда умумлаштириш ва изчил тизимга солиш имкониятига эгадирлар. Улар фанни атроф-олам, табиат, жамият ҳақидаги билимлар йиғиндиси сифатида идрок этадилар. Бу ўқувчилар эгаллаган билимлар уларнинг қатъий ишончларига айланганлигидан далолат беради.

Ўқувчиларнинг билим даражалари ошган сари улар фан ва техникага маданият маҳсулси сифатида қарай бошлайдилар. Шу орқали ўқувчилар аждодларимиз фан ва техника соҳасидаги ютуқларни ўзлаштиришда фойдаланилган тажрибалар, методлар, ёндашувларни ўрганишга киришадилар. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг дунёқараашларини шакллантиришда маданиятни англаш тамоилидан фойдаланиш мақсадга мувофиқидир. Бунинг учун ўқувчилар назарий билимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларнинг моҳиятини тушуниш йўллари ва тажрибаларини изчил ўрганишлари лозим. Шу мақсадда ўқувчилар мавжуд илмий анъаналар ва янгиликлар орасидаги алоқадорликни тушунган ҳолда уларни ўзлаштиришлари керак. Бундай вазифаларнинг ечими ижодий муаммоларни юзага келтиради.

Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятлари уларга ўз ишлари натижаларини намоён қилиш имконини беради.

Маълумки, катта авлоддан ёшларга турли фанларга оид билимлар билан бир қаторда, маданий-ахлоқий меъёрлар ва қадриятлар ҳам мерос сифатида ўтади. Ўқувчиларнинг илмий дунёқараашлари уларнинг тадқиқотчилик фаолиятларида муайян ижтимоий ролларни бажаришларига имкон беради. Бунда ўқувчилар ижтимоий-маданий муҳитга киришадилар ва унда муҳим рол бажарадилар.

Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларининг вазифаси бундай фаолият учун таълим жараёнида қулай шароит яратишдан иборатdir. Бундай вазиятларда ўқувчиларнинг илмий дунёқараашлари тўла намоён бўлади, улар ижтимоий вазифаларни ўзлаштирадилар, бунинг натижасида эса таълим жараёнида самарали педагогик муҳит вужудга келади.

Ўқувчиларни тадқиқотчилик фаолиятига йўллашдан кўзда тутиладиган асосий мақсад муҳим ҳаётий масалаларни ечишда илм-фанинг аҳамиятини ўқувчиларга ўргатишдан иборатdir. Бунинг учун ўқувчиларга турли илмий кашфиётларнинг муҳимлиги ва ижтимоий аҳамиятини кўрсатиб бериш лозим. Ўқувчиларни

шунга ишонтириш кераки, фан уларни табиат ва жамиятни билиш асослари билан қуроллантиради. Бунинг натижасида улар билимларни ўзлаштиришнинг муҳимлигини англаб этадилар.

Рефератлар ёзиш давомида ўқувчилар кўпроқ машхур олимларнинг ҳаётлари ва фаолиятларига мурожаат қилганликлари кузатилди.

Ўқувчиларни тадқиқотчилик фаолиятига йўллаш натижасида ўқув-билув жараёнида уларнинг турли олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларга мурожаат қилиш, улар ҳақида материаллар тўплаш, уларнинг тадқиқотларига қизиқиш, бунинг учун қўшимча манбалардан фойдаланиш имкониятларининг кенгайганлиги аниқланди. Бу жараёнда ўқувчиларнинг ақлий етукликлари, муайян мақсадга интилишлари, эришган ютуқларидан қониқмасликлари, улар билан чекланиб қолмасликлари аён бўлди. Бунинг натижасида ўқувчиларнинг илмий дунёқараашлари барқарорлашганлиги кузатилди.

Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларида таяниладиган барча тамоилилар уларнинг илмий дунёқараашлари шаклланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўқувчиларнинг илмий дунёқараашлари шаклланишида уларнинг мустақил фаолиятлари алоҳида педагогик аҳамиятга эга. Ўқитувчилар фаолиятининг асосини ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини кўрсатилган барча тамоилиларга таянилган ҳолда амалга ошириш ташкил этади. Бу эса ўқувчиларнинг илмий дунёқараашларини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг натижасида:

Ўқув жараёнига муайян технологияларнинг алоҳида элементларини қўллаш;

Ўзлаштирилган технологияларнинг алоҳида элементларини гуруҳлаган ҳолда уларни ўқув жараёнининг алоҳида қисмларига татбиқ этиш;

Барча технологиялардан уларнинг мантиқий асосларига таянган ҳолда муайян кетма-кетликда фойдаланиш;

Ўқув жараёнида муайян технологияларни ижодий қўллаш, уларни ўз иш услубига мослаштириш ва мазкур технологияларнинг алоҳида элементларини такомиллаштириш.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Ўқувчиларда илмий дунёқараши шакллантириш бугунги кунда таълим жараёнининг устувор мақсадларидан бирига айланмокда. Бу жараён ўзида тақдим этилган назарий билимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларнинг ўқувчилар томонидан сифатли ўзлаштирилиши, ўқув жараёнининг яхлит мақсадга йўналтирилган дидактик ҳодиса сифатида намоён бўлиши, ўқувчиларнинг интеллектуал фаолиятларининг онгли тарзда шакланиши, улар тараққиётининг барқарор тарзда амалга ошишига имкон беради.

2. Ўқувчиларда шакллантириладиган илмий дунёқарааш тизим сифатида ўзида индивидуал, ўқувчи томонидан ишлаб чиқилган етакчи, англанган объектив қонуниятлар ва танловга асосланган муносабатлар, уйғун ва барқарор майллар, мақсадлар, қизиқишлиар, ҳиссисиётлар, интеллектуал фаолият орқали амалга ошишини таъминлайди.

3. Ўқувчиларда шакллантириладиган илмий дунёқарааш ўзининг қуидаги таркибий тузилишига эга: назарий билимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларни идрок этиш; назарий билимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш; назарий билимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларнинг шахсий ҳамда ижтимоий аҳамиятини баҳолаш, назарий билимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларнинг ижтимоий аҳамиятини ҳис этиш кабилар. Ушбу қисмлар орасидаги ўзаро алоқадорлик ўқувчиларда шакллантириладиган илмий дунёқараашнинг барқарорлиги ва қатъийлигини таъминлайди. Бунинг натижасида ўқувчилар амалий тажриба ва назарий билимларга таянган ҳолда интеллектуал ҳамда ижтимоий фаолият кўникмаларини эгаллайдилар.

4. Ўқувчиларда илмий дунёқараашни шакллантиришга йўналтирилган ўқув-билув жараёни ўзининг муайян босқичларига эга бўлиб, мазкур босқичларда уларнинг эгэллаган амалий тажрибалари, назарий билимлари ва мантикий фикрлаш

даражапарига таянган ҳолда уларнинг илмий дунёқараашларини шакллантиришга йўналтирилган дидактик тизим тақдим қилинади.

5. Ўқув-билув жараёнида ўқувчиларнинг илмий дунёқараашларини аниқловчи мезонлар сифатида таълим жараёнида тақдим этилган назарий билимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларни фаол ўзлаштирганликлари; ўрганиладиган ўқув материалларига укувчиларнинг барқарор муносабатлари ифодаланиши; ўз нуктаи назарлари ва қарашларини илгари сура олишлари; илмий ҳодисаларни ўрганишга нисбатан барқарор қизиқишининг вужудга келганлиги кабиларни кўрсатиш мумкин.

6. Ўқувчиларда шаклланган илмий дунёқараашнинг ҳар бир муайян даражаси ўзининг аниқ белгиларига эга бўлиб, улар таълим олувчилар илмий дунёқараашининг мунтазам тарзда бир босқичдан иккинчисига ўтиб узлуксиз ривожпанишини таъминлайди.

7. Ўқувчиларда илмий дунёқараашни шакллантиришда бир қатор умумий характердаги дидактик шароитларнинг амал қилиши кузатилади.

8. Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолияти уларда барқарор илмий дунёқараашни шакллантиришнинг муҳам воситаси сифатида назарий билимлар, илмий тушунчалар ва ахборотларни фаоллик, табиийлик, мантиқийлик, инсонпарварлик тамойилларига таянган ҳолда тушуниш ва идрок этиш, муҳим ҳаётий вазиятларда тўғри йўналиш ола билиш, уйғунлашган билиш фаолиятини таъминлаш, ўз ҳаракатларини онгли ва чуқур ўйлаган ҳолда амалга ошириш имконини беради.

9. Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятлари ўзаро изчил тарзда, босқичма-босқич шаклланиб, уларнинг илмий дунёқараашлари барқарорлашишига кўмаклашади.

10. Ўқувчиларнинг илмий тадқиқотчилик фаолиятларини амалга оширишлари жараёнида бир қатор дидактик қийинчиликлар вужудга келиб, уларнинг бартараф этилиши таълим олувчилар илмий дунёқараашининг кенгайишига асос бўлади.

11. Ўқув-билув жараёнида ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятларини лойиҳалаш ва ташкил этишда ўқитувчилар муайян дидактик тамойилларга таянйшлари мақсадга мувофиқдир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: Ўзбекистон, 1992
2. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият Тузувчи ва нашр учун масъуллар: Н.Комилов, К.Бўронов. т.: Ўзбекистон, 1995. - 129
3. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни // 1997 йил 29 августда қабул қилинган. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997. 20-29- б.
5. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»// Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997. 31-61- б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998.
7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрида қабул қилинган. Т.: Ўзбекистон, 1998. - 48 б.
8. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. 7-том. Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 8-том. Т.. Ўзбекистон, 2000.
10. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. Т.: Ўзбекистон, 2001.
11. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005. Т.13, - 174-222 б.
12. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.
13. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури. Она тили. Адабиёт. Узбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун). - Т.:Шарқ, 1999. - 303 б.
14. Андреев А. Л. Общество и образование: социокультурный профиль России // Педагогика. 2002. № С. 20.
15. Андреев В. И. Диалектика воспитания и самовоспитания творческой личности. Казань, 1988.
16. Арутюнян М. Ю., Здравомыслова О. М. и др. Учителя и ученики: два мира? М., 1992. С. 106.
17. Бакулевская С. С. Становление интеллектуально-творческой деятельности старшеклассника в процессе решения эвристических задач: Автограф. дис.канд. пед. наук. Волгоград 2001.
18. Борытко Н. М. Пространство воспитания: образ бытия: Монография. Волгоград. Перемена, 2000.
19. Бондаревская Е. В. Гуманистическая парадигма личностно-ориентированного образования//Педагогика 1997 №4 С. 11 — 17.
20. Букин В. Р., Малышевский А. В. Школьникам о философии // Научное мировоззрение и современность. М., 1992.
21. Бурков В. В. Как сохранить общечеловеческие ценности? П.: Ленингр. орг. о-ва «Знание». РСФСР, 1990.
22. Воспитание и развитие личности в обновляющейся системе образования: Материалы науч.-практ. конф. Вып. 1. Ростов на-Дону, 1993.
23. Газман О. С, Иванов А. В. Содержание деятельности и опыт работы освобожденного классного руководителя (классного воспитателя). // Методические рекомендации. М. 1992. С. 19.
24. Гурова Р. Г. Социологические проблемы воспитания. М/ Педагогика, 1981.С. 4-20.
25. Герасименко С. В. Организация исследовательской деятельности в педагогическом колледже // Научно - практическая конференция, тезисы докладов. Волгоград, 2000.
26. Гликман И. Гражданские качества: из чего складывается дефицит//Учитель. № 1. 2002.
27. Гребенюк О. С. Общая педагогика: Курс лекций // Калининград, ун-т. Калининград, 1996.
28. Гребенюк О. С, Гребенюк Т. Б. Введение в деятельность педагога — исследователя: Научно - метод, пособие Калининград, 1998. 55 с.
29. Григорьева Л. А. Стимулирование старшеклассников к выбору мировоззренческих позиций: Автограф. дис. канд. пед. наук. СПб., М., 1998.

30. Данилкж А. Я. Теоретико-методологические основы проектирования интегральных гуманитарных образовательных пространств. Автореф. дис. ... док. пед. наук. Ростов на-Дону, 2001.
31. Данюшенков В. С. Теория формирования активности школьника // Наука и школа 1999. №2. С. 39-45
32. Дрыгин В. И. Научное мировоззрение, его предмет и функции. Саратов. 1981. С. 27
33. Ильин В. И. О специфике гуманитарного знания // Вопросы философии. 1985. №7.
34. Ильина Т. А. Формирование мировоззрения и социализация // Школа - 2000 № 5. С. 38.
35. Кадол Ф. В. Честь и достоинство. Критерии их развития у старшеклассников // Педагогика. 1997. № 6. С. 54-58.
36. Карпов Е. Учебно-исследовательская деятельность в школе: В поисках новой педагогической альтернативы // Экономика в школе. № 2. 2001. С. 3 – 10.
37. Кон И. С. В поисках себя: Личность и ее самосознание. М.: Политиздат, 1984.
38. Кон И. С. Психология ранней юности. М., 1989
39. Кон И. С. Психология юношеского возраста. М., 1978.
40. Коновалец Л. С. Познавательная активность учащихся в условиях компьютерного обучения // Педагогика. 1999. №2. С. 46 - 51.
41. Коняев П. Г. Атеистическое значение научного познания Вселенной. М.: «Знание», 1984.
42. Коротаева Е. В. Директор- учитель- ученик: пути взаимодействия // Директор школы. № 5. 2000. С. 7 - 54.
43. Краевский В.В. Проблемы научного обоснования обучения: Методологический анализ. М., 1977
44. Кузьмина Л. В. Организация научно - исследовательской работы учащихся в школе лицее // Теория и практика организации учебного процесса. № 3. М., 1999. С.101 — 103.
45. Кульневич С. В. Педагогика самоорганизации: Феномен содержания. Воронеж, 1997.
46. Леонтович А. В Модель научной школы и практика организации исследовательской деятельности учащихся // Школьные технологии. №5. 2001. С 147-148.
47. Лобок А. М. Вероятностное образование в вопросах и ответах//дайджест № 1, М., 2000.коС. 15-30.
48. Лопатин А. Р. Создание ситуаций успеха в воспитательно-образовательной работе с подростками: Автореф. дис. ...канд. пед. наук. Кострома, 1999.
49. Лузина Л. М. Философско-антропологический подход в воспитании. Псков: Изд-во гос. пед. универ., 2000.
50. Маркушкина А. Н. Учение как активный познавательный процесс // опыт инновационных преобразований в педагогической науке и практике. Волгоград, пед колледж. № 2. 2000. С. 33.
51. Маҳмудов М.Ҳ. Таълимни дидактик лойиҳалашнинг назарий асослари. Пед. фан. докторлик. дисс. . Тошкент, 2003.
52. Мудрик А. В. Введение в социальную педагогику: Учеб. пособие для студентов. М., 1997.
53. Мудрик А. В. Воспитание // Российская педагогическая энциклопедия: в2т.Т.1. М., 1993.
54. Мусаев У. Умумий ўрта таълим жараёнини либераллаштиришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари. Пед. фан. номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация Т' 2004.
55. Новикова Л. Н., Кулешова И. В. Воспитательное пространство: Опыт и размышления // Методология, теория и практика воспитательных систем: Поиск продолжается. М., 1996.
56. Обухов А. С. Исследовательская деятельность как возможный путь вхождения подростка в пространство культуры // Школьные технологии. 2001. № 5. С. 2.
57. Одинцова Н. И. Организация уроков— теоретических исследований // Научно- практический журнал школьного технолога. 2002.
58. Педагогик атамалар луғати. Т.: Фан, 2008.
59. Петрова В.Н. Педагогическое сотрудничество, или когда нравится учиться //Директор школы. 1999. № 4. С. 36.
60. Петровский А. В. Личность в психологии: парадигма субъектности. Ростов на-Дону, 1996.
61. Радионова Н. Ф. Взаимодействие педагогов и старших школьников: Учеб. пособие к спецкурсу. Л., 1989.
62. Сафарова Р., Мусаев У. ва б. Узбекистан Республикасида умумий ўрта таълим стратегияси муаммолари ва таълим мазмунининг янги моделлари, уларни татбиқ этиш йўллари. Т.: Фан, 2005.

63. Сафарова Р. Миллий тикланиш шароитида Узбекистан мактабларида она тили таълими назарияси ва амалиёти: Пед. фан. докт. дисо. Т. 1998.
64. Сафарова Р., Мусаев У. ва б. Умумий ўрта таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик параметрлари. Т.: Фан, 2008.
65. Свирский С. Я. Формирование научного мировоззрения и художественная литература. Ташкент: Узбекистан, 1973.
66. Сериков В. В. Личностный подход в образовании: концепции и технологии: Волгоград: Перемена, 1994.
67. Сериков В. В. Образование и личность. Теория и практика проектирования педагогических систем. М.: Логос, 1999. .
68. Сериков В. В. Личностно-ориентированное образование - новое направление развития педагогической теории и практики // Личностно ориентированное образование: феномен, концепция, технологии: Волгоград, 2000.
69. Сластенин В. А. Методы воспитания // Педагогика: Учеб. пособие для студ. пед. ин-тов. М., 1988.
70. Совалев В. А. Мировоззрение как выражение смысла человеческого бытия // Человек как философская проблема и мировоззрение. Владимир, 1982. С. 36.
71. Фалсафа. Қисқача изоҳли луғат. Т.: Шарқ, 2004.
72. Франкл В. Человек в поисках смысла // Психология личности в трудах зарубежных психологов. СПб. 2000.
73. Школьник Г. И., Школьник В. Г. Формирование научных взглядов и убеждений у школьников в учебном процессе. М., 1989.
74. Щукина Г. И. Активизация познавательной деятельности учащихся в познавательном процессе. М., 1979.
75. Щуркова Н. Е. Воспитание: новый взгляд с позиции культуры. М., 1997.
76. Щуркова Н. Е. Предметное и ценностное восприятие мира. М., 2000.
77. Якиманская И. С. Технология личностно-ориентированного образования //Директор школы М., 2000. № 7.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	
на з ? р ! ^ .....	7
II БУЛИМ. Укувчиларда барқарор илмий дунёкаоашни .....	3д
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР... .....	76
ФОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	78

Т.Н. Қорий Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ Илмий кенгаши томонидан  
нашрга тавсия этилган.

Муҳаррир: М. СОДИҚОВА.

Нашриёт раками: 3 -205. Босишига рухсат этилди: 16.12.2009 й.  
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Офсет босма. Офсет қоғози. Нашриёт  
т.4,7. Шартли босма табоби 5,25. Буюртма.126 Тиражи 500.  
Келишилган нархда.

Узбекистан Республикаси Фанлар академияси "Фан" нашриёти:  
100170. Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.

«Andijon nashriyot-matbaa» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: 71000. Андижон шаҳри, Навоий шоҳкӯчаси, 71.